

6

**ПУХТАЛИК -  
ХОТИРЖАМАЛЫК ДЕМАК**




**«БУ КУПЛАРИ  
ҚАДРИГА ЕТИНГ»**

17



20

**ХИЗМАТЛАРИ  
МАНЗУР БҮЛЯПТИ**



**ДОСТЫ**

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 19 август, шанба • 33 (3667)-сон

*Конунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# **ОСОЙИШТАЛИКНИ САҚЛАШ МУКАДДАС БУРЧДИР**

SHARQ



**POSTDA.TV**



**МУНАЖЖИМЛАР  
БАШОРАТИ**  
*Көлгуси ҳафта учун*



ИИВ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларининг асосий вазифалари - ички ишлар идоралари кадрларининг негизи ҳисобланган сержантлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; курсантларни кундаклик хизмат фаолиятида ички ишлар идоралари нинг бирламчи бўлинмаларини моҳирона бошқарувини таъминлашга, мураккаб вазиятлар юзага келганда қисқа фурсатларда тўғри қарор қабул қилишга ўрганишдан иборатdir. Шунингдек, уларнинг юқори жанговар, ахлоқий-маънавий, руҳий фазилатлар ва хусусиятларни ўзлаштиришга эришиш, фуқароларнинг қонуний ҳукуқлари,

# СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИНИ ТАЙЁРЛАШ - ДАВР ТАЛАБИ

эркинликлари ва манфаатларини, конституциявий тузум, ҳукуқ-тартибот ҳамда жамият ҳавфсизлигини вижданан ҳимоя қилишга қодир бўлган юқосак маданияти, ижтимоий жиҳатдан фаол, интизомли ходим қилиб тайёрлаш ҳам ана шу вазифалар сирасига киради.

ИИВ Академиясининг Олий курслари ўз фаолиятини 2004 йилнинг сен-

тябрь ойидан бошлади. Ҳозирги кунда республика ички ишлар идоралари ва тизимларида олти ойлик маҳсус курсларни тамомланган мингдан ортиқ малакали мутахассис сержантлар хизмат қилишмоқда.

Академия Олий курсларида «Патруль-пост», «Ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш», «Жазони ижро этиши», «Қўриқлаш», «Йўл-патруль», «Хорижга

чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш» ва бошқа соҳавий хизматлар йўналишлари бўйича сержант ходимлар тайёрланмоқда.

Бутунги кунда курсантлар зарурий назарий билимлар ва амалий қўнималар олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Жумладан, тальим жараёни олиб борилишида замонавий мультиме-

дия воситаю билан жиҳозланган ўқув-методик хоналар, жанговар ва жисмоний тайёргарликни юқори савияда ўзлаштириш бўйича спорт ва ҳарбий воситаю билан таъминланган маҳсус ўқув биноларидан фойдаланилмоқда.

Курсантларнинг юқори билим ва қўнималарга эга бўлишлари учун барча машиий шароитлар мавжуд бўлган ётоқхона, бепул озиқ - овқат ва маҳсус кийим-бош билан таъминлаш, шунингдек, ойлик стипендиялар тўлаб бориш йўлга кўйилган.

Олий курсларга ўқишига Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг меъёрий буйруқлари талабларига жавоб берадиган, тегиши олий ва ўрта-маҳсус маълумотга эга, бўйи-басти баланд, келишган, ўз Ватанига ва ҳалқига сидқидилдан хизмат қилишга аҳд қилган республика фуқаролари танлов асосида қабул қилинадилар.

Жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонлар алоҳида нормативлар асосида турникда тортилиш, 100 метрга чопиш ва 3000 метр масоғага югуришдан иборат. Қизлар учун эса 100 метрга ва бир километрга югуриш ва комплекс куч ишлатиш машқларини бажаришлари белгиланган.

ИИВ Академиясининг тест Марказида ўқишига кирувчи номзодлар компьютер техникиси воситасида ижтимоий-сиёсий ва ҳукуқий билимлар асосида, касбий-руҳий тайёргарлик бўйича тест синовларини давлат ёки рус тилида топширадилар.

Ш. РЎЗИЕВ,  
майор.



нинг ўринбосари, полковник Ш. Икрамов қатнашиди.

Асосий эътибор ходимларнинг ташки кўринишлари яъни хизмат кийимларини озода, батартиб кийиб юришларига ва хизматда зарур бўладиган экипировканинг тўлиқ мавжудлигига қаратилди. Чунки, ҳар бир ходим Низом талаблари асосида юриши, туриши ва хизмат ўташи, табель қуролини сақлаш, олиб юриш қоидаларига қатъий риоя этиши, фуқаролар билан «Касб одобномаси»да кўрсатилганидек хушмуомалада бўлиши лозим.


Саф кўригидан сўнг хизматга шай бўлган ички ишлар идоралари ходимлари вазирлик раҳбарлари олдидан полковник Г. Терзян бошчилигидаги намунали оркестр садолари остида шаҳдам қадамлар билан тантанали маршдан ўтдилар.

Ш. РЎЗИЕВ,  
майор.

## САФ КЎРИГИ – НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ШАЙЛИГИ

**Мустақиллик байрами графасида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ишларини сифатли ва самарали олиб бориш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари билан саф кўриклари ўтказилади.**

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати ходимлари билан саф кўриклари ўтказилди. Унда ички ишлар вазири-



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ КАФЕДРАЛАРДАГИ БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТИУВЧИЛАР ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов шартлари:

1. Номзод олий маълумотта эга бўлиши (илмий даражага эга бўлганлар ўрнатилган тартибда имтиёзга эга);

2. Ички ишлар идоралари тизимида иш стажи камидаги 5 йил бўлиши (одатда раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатаётган бўлиши);

3. Имкон даражасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турган бўлиши шарт.

Республика олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатаётган илмий даражага эга ходимлар ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Академия номзодни турар-жой билан таъминлашни ўз зиммасига олмайди.

Академиянинг шаҳодатланган профессор-ўқитувчилар таркиби Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегиши норматив ҳужжатларида белгиланган ҳукуқ ва имтиёзларга эга.

Номзодлар ўз ариза (билдириги)лари орқали Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига мурожаат қилиши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Қорасув-2 даҳаси, Интизор кўчаси, 68.

Тел: 65-65-32, 65-13-54.  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА БЎШ БЎЛГАН САФДОРЛАР ТАРКИБИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг сафдорлар таркиби лавозимларига ўрта маълумотга эга 30 ёшгача бўлган бўйи-басти 170 сантиметрдан паст бўлмаган, ҳақиқий ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик ҷақириви резерви хизматидаги муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ўзининг ахлоқий-касбий хислатлари, соғлигининг ҳолатига кўра ички ишлар идораларида хизматни ўташга лаёқатли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинадилар.

Ички ишлар идораларининг патруль-пост, йўл-патруль ўйнашилари бўйича хизматга кириши хоҳшини билдиришадиган номзодларнинг бўйи камидаги 180 сантиметр бўлиши лозим.

Танлов ички ишлар идораларининг талаб-ҳамиятларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Танловда муваффақиятли шитирок этиб,

лавозимга тайинланган номзодлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказларида З ойлик ўқув дастури асосида дастлабки тайёрловдан ўтказиладилар.

Лавозимга тайинланган ва Марказга юборилган номзодлар ўқши давомида бепул маҳсус кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Танловда шитирок этиши истагини билдиришадиган номзодлар умумтаълим, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, ахлоқий-руҳий тайёргарлик даражасини, манишик ғикрлари савиясиги, хизматга кириши сабабларини аниқлаш бўйича тест синовларини топширадилар ҳамда улардан жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонлар қабул қилинади.

Номзодлар қабул имтиҳонлари ва тест синовларини Шахсий таркиб билан ишлани мумкин.

давлат ёки рус тилида топширадилари мумкин.

Ички ишлар идораларининг сафдорлар таркиби лавозимларига танлов 2006 йилнинг сентябрь ойининг 2-декадасида ўтказилади.

Ички ишлар идораларининг сафдорлар таркиби лавозимларига хизматга кириши хоҳшини билдиришадиган номзодлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Қорақалпогистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИБ, вилоятлар ва Транспорт ИИБлари шахсий таркиб билан ишлани мурожаат қилилари мумкин.

**Баҳодир ПЎЛАТОВ,**  
таълим муассасалари бўлими бошлиги, подполковник.

шахар 139-72-11, 139-76-09, 139-73-71,  
ички 32-11, 36-09, 33-71  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Шахсий таркиб билан ишлани мумкин.

Сурхондарё вилоятида «Тозалаш-Антитеррор» тадбири бошлангандан бўён ҳуқуқбузарлик содир этган 1946 нафар шахс ички ишлар идоралари га келтирилди. Уларнинг 285 нафари вояга етмаган ёшлар эканлиги ачинарли ҳолдир. Шунингдек, дайдилар, қонуний ҳужжатларсиз яшаётгандар, паспорт-виза тартиботига амал қилмаётган фуқаролар текширилди.

Ўқотар қуроллар, портловчи ва гиёхвандлик моддалари сақланаётган обьектлар, темир йўллар, автошоҳбекатлар ҳам синчковлик билан кўздан кечирилди. Бунинг натижасида обьектларда 9349 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган 7 нафар чет эл фуқароси, 27 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. 119 киши мамлакат ҳудудидан чиқарби юборилди, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 11 фуқаро реабилитация марказларига жўнатилди.


Вилоят ИИБ тезкор штаби маълумотларига кўра, илгари қайд этилган 7 та жиноят фош қилинди. Жиноят содир этиб, тергов ва суд идораларидан қочиб юрган 8 нафар шахс қўлга олинди. Яшаш жойларидан узоқ муддатта чиқиб

бўйсун тумани Чорчинор маҳалласида яшовчи С. Шавкат, Термиз тумани Ҳ. Турсунов маҳалласидан Н. Абдулазиз, Сариосиё тумани Сарижўй маҳалласидан М. Тошпўлат, Ж. Алиқул, Музработ тумани «Қаҳрамон» маҳалласидан Н. Санобарларни ички ишлар ходимлари оиласи жанжалкашлар сифатида ҳисобга олдилар. Баъзан ўйга толасан, киши. Туз еган ўйга, дастурхонга хиёнат қилаётганлар, кимларнингdir ногорасига ўйнаётгандар ўзга элларда ёхуд қондошларидан йироқда

# ТЕЗКОР ҲАРАКАТЛAR САМАРАСИ

кетган 383 нафар фуқаро аниқланди.

Текширишлар давомида



ҳаловат топишармикан? Ўз жигаргўшаларининг осойишталигига раҳна солишларидан вижданлари қийналмайдими? Тожикистон Республикасида хуфёна фаолият юритаётган «Хизб-ут-тахрир» оқимининг аъзоси сифатида ушланган Бойсун тумани Кўргонча маҳалласида яшовчи К. Абдунаби, Сариосиё тумани У. Юсупов ма-

ҳаласида истиқомат қиливчи А. Абдукаримларнинг Конституцион тузумга қарши ҳаракат қилишганини қай бир тарози билан ўлчаш мумкин? Уларга асло шафқат қилиб бўлмайди.

Баъзан кўриниши, эл орасида ўзини тута билиши, гапсўзларидан ажралиб турадиган одамлар ҳақида шубҳага боришининг ўзи нокулай. Аммо одамнинг олasi ичиди, деганлари рост экан. Термиз туманида яшовчи, фермер хўжаликларидан бирининг бошлиги М. Раҳмонжоннинг ўйи кўздан кечирилганда маълум миқдорда ўқдори, герон ва марихуана сақланаётганини эшилган одам ҳайратдан ёқа ушлаб қолиши ҳеч гап эмас. Денов тумани Даҳана маҳалласида яшовчи Н. Боборажаб эса ҳовлисида 30 туп наша етишираётгани ва бундан қандай мақсадни кўзлаганини ўзидан бошقا ҳеч ким билмайди.

Ўтказилаётган тезкор тадбирларнинг мақсад-моҳияти вилоятимизда ҳар қандай жиноятлар содир этилишига қарши курашишдан иборат. Туну-кун қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг ижобий самарасини жиноятчиликка барҳам берилганида кўриш мумкин.

**С. НОРМУРОДОВ,**  
майор.

## ТАҲЛИЛЛАР ШУНИ КЎРСАТАДИКИ...

Айни кезларда кўлами кенг «Тозалаш-Антитеррор» профилактик тадбирдан кўзланган мақсад осойишта, фаровон турмушимизни янада мустаҳкамлашдир. Кун ёки туннинг қай пайти бўлишидан қатъий назар тинчликка камарбаста қашқадарёлик посбонларнинг узлуксиз саъй-ҳаракатлари натижасида тадбир бошлангандан бўён содир этилган 163 та жиноятнинг 146 таси «иссигида» очилди. Фуқаролар томонидан ноқонуний сақланаётган 12 та ўқотар қурол олиб қўйилди. Мол ўғирлиги жинояти кўп содир этилаётгани ва бунга фуқаролар ўз молларини қаровсиз қолдириши сабаб

бўлаётгани аниқланиб, отарлар, яйловлар ва қаровсиз бинолар кўздан кечирилиши назоратга олинди. Шунингдек, жиноят содир этишга мойил шахслар ва улар яшириниши назарда тутилган масканларда кузатув ишлари ташкиллаштирилгани ижобий самара бермоқда. Бундан ташқари, диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик каби иллатларга қарши кураш ва олдини олиш ишлари мунтазам таҳлил этиб борилмоқда.

Фаолиятга назар ташлайдиган бўлсак, жорий йил 2 август куни номаълум шахслар Чироқчи тумани Ҳайдаров иткўл қишлоғида яшовчи

Ф. Маматқуловнинг 3 бош отини ўғирлаб кетишиган. Мол эгаси орадан икки кун ўтиб туман ИИБга хабар беради. Изқуварлар олиб борган тадбирлар натижасида китоблик от шайдолари – ака-ука Шавкат ва Бекзодлар қўлга олинди.

Кучайтирилган тартибда хизмат ўтаётган осойишталик посбонлари бундан кейин ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ташаббускорликни қўлдан бермасликлари тайин. Кенг жамоатчилик ҳам бу борада фаоллашаётгани саъй-ҳаракатлар кўламини кенгайтириб, фаровон турмушимизни янада мустаҳкамлади.

**Содик РАҲИМОВ.**

Сирдарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари томонидан «Тозалаш – Антитеррор» маҳсус тадбири уюшқоқлик билан олиб борилалпти. Мустақиллик байрами арафасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни «иссигида» фош этиши, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тадбирга жалб этилган хизматлар билан биргаликда кенг жамоатчилик вакилари ҳам фаол иштирок этишалпти.

## КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК КЎМАГИДА

Вилоят ИИБ «Тозалаш – Антитеррор» тезкор штабидан олинган маълумотларга кўра, Сардоба тумани Манас маҳалласида яшовчи, 1988 йилда туғилган Алимбек Ҳайдаров уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Қидириув ишлари натижасида у Тошкент шаҳридан топилиб, оиласига қайтирилган.

Олиб борилган тезкор тадбирларда Сирдарё шаҳрида яшовчи, ишламайдиган Қ. Комилжон уйидада 50 грамм марихуана гиёхвандлик маддасини 60000 сўмга сотаётганида ушланган.

Сирдарё туманида номаълум шахслар Сирдарё шаҳар Ўзбекистон кўчасида яшовчи пенсионер Надем Муродовнинг ҳовлисида турган 250 литр ҳажмли, нархи 60000 сўм бўлган алюминий бочкани ўғирлаб кетишиган. Бу ҳақда фуқаро ИИБга ариза билан мурожаат қилган. Қидириув ва суриштирув ишлари самараси ўлароқ, Сирдарё туманилик Н. Алишер ва Сирдарё шаҳридан Р. Александрлар ушланиб, далилий ашё олинган.

Гулистон туманилик М. Ҳасан отасидан қолган «ТОЗ» русумли, 16 калибрли, ИИБда рўйхатдан ўтмаган ов куролини ўз хоҳиши билан ички ишлар идорасига келтириб берган.

Жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрган, Боеўт шаҳарчасида яшовчи Б. Фурқат, Сирдарё тумани Ж. Маматов номли жамоа ҳўжалигидан Р. Ҳусниддин ва Сардоба туманилик Ҳ. Шерзодлар ушланди.

Айни пайтда тадбир иштирокчилари ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни таъминлаш учун ҳушёрликни янада оширган ҳолда хизматни ўташаяпти.

**АЗИМЖОН ҚЎҚОНБОЕВ,**  
майор.

## ТАЛОНЧИЛАР КЎЛГА ОЛИНДИ

Жорий йилнинг 3 август куни Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчасидаги хонадонлардан бирида вақтингча яшовчи, Непал Республикаси фуқароси Рим Мани Шарма шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, номаълум шахслар уни уриб, «CASIO» русумли кўл соати, 9 АКШ доллари, 8000 сўм пули, ҳужжатлари ҳамда ҳамёнини олиб кўйишганини мавзум қилган.

Шаҳар ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор-суриштирув ишлари натижасида жиноят қисқа фурсатда фош этилди. Марғилонлик И. Даврон ва Фарғона шаҳрида яшовчи Б. Азизлар далилий ашё билан ушландилар.

## ИШРАТХОНА ФОШ ЭТИЛДИ

«Тозалаш» тадбири давомида нопок йўллар билан даромад орттиришни ўзига касб қилиб олган шахслар аниқланиб, қонуний жавобгарликка тортилмоқдалар. К. Марина Фарғона шаҳар «Маданият» маҳалла фуқаролар йигини ўрамидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ўй боши ҳисобланади. У бошқаларга ўрнак бўлиб, фуқаролар орасида ҳамжиҳатликни таъминлаш, тартиб-қоидаларга амал қилишини тушунтириш ўрнига, ўзи жиноий ҳаракатларни содир этиди. К. Марина ижарага хонадон олиб, уни ишратхонага айлантириди. У Қирғизистондан келган Э. Гўзал ва фарғоналик Т. Акмалга кўнгилхушлик қилишлари учун шароит яратиб берган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан кўлга олинди. Ҳозирда жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Б. ОМОНЗОДА.**

**Маънавият – инсоннинг, халқ-нинг, жамиятнинг куч-қудратидир. Уйук жойда ҳеч қачон баҳтсаодат бўлмайди.**

**Ислом КАРИМОВ.**

Швейцарияда ташкил этилган ўзбек халқ амалий санъати дурданалари кўргазмасига келган томошабинлардан бири ўзбек халқининг маънавияти қадим-қадимдан шаклланниб, мустаҳкамланиб, сайқалланиб келганини улар яратган мана бу ноёб амалий санъат намуналаридан билиш мумкин, дегандаминг бора ҳақ эди.

Миллий маънавиятимиз илдизи узоқ асрларга бориб тақалади. Буни қадими кўлёзмалар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан билиш мумкин. Халқимиз тарихининг буюклиги биринчи галда маънавиятимизнинг юксаклигидандир. Жаҳон илм-фани, маънавияти ва маърифатининг тараққиётiga улкан ҳисса кўшган буюк алломаларимиз Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳирiddин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг номи бутун дунёга машҳур. Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларда бунёд этилган жаҳон аҳлини лол қолдираётган маҳбубатли меъморий ёдгорликлар халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Ислом оламидаги буюк мұхаддисларининг кўпчилиги юртимиздан чиққан. Улар ёзиб қолдирган китоблар ҳамон диний мактабларда кўлланма сифатида ўрганилади.

Тоталитар тузум даврида коммунистик мафкура тазиёни остида кўп асрлик маънавиятимиз ва маданиятимизга қарши зимдан кураш олиб борилди. Халқимизнинг бой анъаналари ўрнига миллат менталитетига тўғри қелмайдиган маросимлар уюштирилди. Тарихни соҳталаштириш, ҳукмрон мафкурага мослаштириш авж олди. Чунки, тарихи ва ўтмишидан бехабар халқни ҳар қандай йўлга солиш мумкин бўлди. Динсизлик ва дахрийлик мафкуранинг асосини ташкил этди. Кишиларнинг меҳр-оқибатли бўлишга йўллайдиган диний байрамлар, маросимларни ўтказиш қатъян таъкилаб қўйилди. Ҳатто кишилар жанозада қатнашишга ҳам ҳадиксиради. Шўро

давлатида яшаётган юздан ортиқ миллатни бир тилли ва бир маданиятли қилиш йўлида олиб борилаётган кураш туфайли миллатимизнинг бой маданий мероси, маънавияти унтила бошлади. Ўша даврдаги вазият ҳақида Президентимиз Ислом Каримов шундай деган: «Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдон оёқ ости қилинди. Ҳатто шундоқ ҳам миллий

одатларимиз, анъаналаримиз яна ўз қадрини топа бошлади. Жаҳон илм-фани тараққиётiga беназр ҳисса кўшган, Ислом оламида номлари табарук бўлган улуг-алломаларимиз яна диллардан, тиллардан ўрин олиб, уларнинг эзгу ишлари ҳақида, бой ижодий мероси тўғрисида янги янги маълумотларга эга бўла бошладик. Кишиларга билим бериб, маърифат улашган, тоталитар тузум даврида эса ташландиқ жойга айланиб вайрона бўлиб қолган, турли мақсадларда фойдаланиш учун бузиб, мослаштирилган, қаровсиз, харобага айланган мадрасалар таъмирланди ва яна

байрам биринчи галда меҳр ва муруват айёми сифатида тантана қилиниши миллатимизга хос фазилатларнинг улугланиши билан қадрлидир.

Ислом динининг улуг айём кунлари – Рамазон ва Курбон ҳайитлари ҳам юртимизда кенг нишонланяпти. Ҳар йили кўплаб юртдошларимиз муқаддас ҳаж сафарига бориб келишяпти. Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг эътиқод эркинлиги ихтиёрий эканлиги белгилаб қўйилган. Кишиларни эзгуликка, меҳроқибатга, муруватли бўлишга ундовчи кўплаб бадиий, диний китоблар нашр этилди.

Тилини йўқотган халқ

ғимиздек асраш ва янада бойитиш, сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждан эркинлиги, эътиқодининг эркинлигини таъминлашимиз керак», деда таъкидлadi.

Ҳар бир миллатнинг ўз қадриятлари бўлади. Улар асрлар давомида шаклланниб келган. Уларни бирмабир санаб ўтиб, изоҳлаб чиқиши мушкул. Бироқ миллатнинг тараққиётiga хизмат қиладиган қадриятлардан айримларини эслатиб ўтиш жоиз. Ватан меҳри ҳар нарсадан улугдир. Ватанни севмаган, унинг қадрига етмаган кишининг элда қадри бўлмайди. Мустақилликнинг моҳиятини чуқур англаб, масъулиятини хис этиш ҳам қадриятлардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик шамоли эса бошлагандан кейин халқимиз ўзлигини англаб, миллатимизнинг қадри, шаъну шавкати тикланди. Мамлакатимизда маънавият ва маърифат ишларига эътибор кучайди. Чунки фуқароларимиз онги ва тафаккуридаги кўп йиллар коммунистик мафкура синѓидириб келган, халқимиз ва миллатимиз тараққиётiga қарши бўлган фоя ва фикрларни чиқарип ташлаш керак эди. Энди халқимиз шўролар даврида зўр бериб тарғиб этилган коммунистик фоялар билан яшай олмасди. Шунинг учун ҳам маънавий ислоҳотларни янада жадаллаштиришга киришилди. Халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фарон ваёт барпо этишдек улуг мақсадга сафарбар этиш уларнинг имкон ва салоҳиятини бирлаштириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш сари ҳаракатлар кетяпти. Бу улугвор ишлар замирада фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини терананглаб этишлари учун улкан ишлар амалга ошириш ётибди. Бунинг учун фуқаролар маънавий жиҳатдан камолга эришишлари керак. Ҳар бир фуқаро аввало мустақил давлатимизнинг тараққиётини фақат иқтисодий жиҳатдан ривожланиши эмас, маданий ва сиёсий жиҳатдан илдам одимлаши ҳам белгилайди. Бу эса миллат маданиятининг камол тошиши, юксалиб бориши унинг маънавиятининг ривожига боғлиқдир.

С. АБДУЛЛАЕВ

# МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ



анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари кимларгadir мақbul бўлмай қолди ва уни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди. Кези келгanda, одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларини дағн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар.

Мустақилликнинг биринчи куниданоқ миллий маънавиятимизни тиклаш бошланди. Шўролар даврида бой тарихимиз юзига кўнглан гардлар артиб ташланди. Халқимизнинг ўтмишда ким бўлгани ва жаҳон саҳнасидаги ўрни қандай бўлгани яққол кўрина бошлади. Миллий ва диний қадриятларимиз тикланиб, асрлар давомида халқимизнинг ғурури ва фахри бўлиб келган

толибларни ўз бағрига олди. Масжидлар қайта эшикларни очиб яна фуқароларнинг ибодатхонасига айланди. Муқаддас қадамжоларимиз зиёратчилар билан гавжум бўла бошлади.

Диний байрам дея таъқиқлаб қўйилган миллий қадриятларимизни ўзида акс этирган Наврӯзнинг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши айниқса, маънавиятимизни тикланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Сермазмунлиги, бойлиги бошқа тиллардан қолишимайдиган ўзбек тили яна баралла янграй бошлади.

Президентимиз Ислом Каримов халқ маънавиятни тиклаш ва юксалтириш вазифаларини олга суриб: «Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда мадад бўлган.

Бизнинг вазифамиз – шу хазинани кўз қорачи-

Ҳадемай мамлакатимизда пахта йигим-терими мавсуми бошланади. Етиширилган ҳосилни йиғиб териб олиш билан бирга уни сақлаш ва қайта ишлаш муҳим вазифадир. Бу борада ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўтган йили пахта етишириувчи хўжаликларда, хирмонларда, пахта тозалаш ва қайта ишлаш корхоналарида айрим сабабларга кўра кичик бўлса ҳам ёнгинлар қайд этилди. Офатлар асосан кичик механизмларни ишлатишида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, электр ускуналарини ишлатишида техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, транспорт воситаларида учқун ўчиргичларнинг йўқлиги ёки уларнинг носозлиги туфайли юзага келган. Бунинг натижасида республикамиз иқтиодиётига сезиларли даражада моддий зарар етказилган. Лекин айрим раҳбарлар бундан тўғри хулоса чи-

қармай, камчиликларга панжа орасидан қараб келмоқдалар.

Республика ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари асосий эътиборни йигим-терим даврида ҳосилни содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинлардан асрашга қаратишган. Масалан, Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ёнгин хавфсизлиги хизмати жамоаси ўз олдига қўйилган вазифаларни масъулият билан бажармоқда. Асосий мақсад мавсумда турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, теримда иштирок этаётган теримчиларни ташиётган транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қабул пунктларида ёнгинлар келиб чиқмаслигига эришишдан иборатdir.

Шу боис ходимлар пахта қабул қилиш корхоналарида мунтазам профилактик тадбирларни амалга ошироқдалар. Мавжуд сув ҳавзалари, сув насослари, ўтириш мосламалари ҳамда маҳсус автомашиналарнинг техник созлиги, доимий шайлиги таъминланмоқда.

Республика ёнгин назорати хизматлари томонидан жорий йилнинг июль-август ойларида «Ўзпахтасаноат» уюшмасига қарашли 120 дан зиёд пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш пунктларининг ёнгинга қарши ҳолати тўлиқ текшириб чиқилди, қолганлари мониторинг тариқасида ўрганилди.

Текширувлар жараённида «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раҳ-

барияти ҳамда кўпгина корхоналар томонидан масканларни мавсумга тайёрлаш, уларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнгинларнинг олдини олиш борасида бир қатор

ёнгин ўтириш машиналари ва мотопомпаларини шай ҳолга келтириш масалалари ўз ечимини тўлиқ топмаяпти.

Ўтказилган текширувларда Жиззах вилоятида жойко-

лоқ», «Кўқонқишлоқ», «Кўрғонтепа» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларида, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Турон» пахта тозалаш корхонаси, Навоий вилояти Навбаҳор тумани пахта тозалаш заводи, Тошкент вилояти Бекобод туманидаги «Далварзин», Куйичирчиқ туманидаги «Мустақиллик», Янгийўл туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» пахта тозалаш корхоналари ва уларга қарашли пахта қабул қилиш пунктларида ҳам кузатиш мумкин.

Йиғиб олинадиган ҳосилни ёнгин оғатларидан асрамоқ учун қуйидагилар таъқиленади:

— Пахта териладиган ва сақланадиган жойларда чекиш ва очиқ оловдан фойдаланиш, терилган пахтани далада қолдириш, пахта териш машинасини бирламчи ёнгин ўтириш воситаларисиз ва учқун ўчиргичсиз ишлатиши, пахта териш машиналарининг бункерларида пахта маҳсулоти бўлганда ёқилғи қуйиш, ёқилғи ва мойлаш таъминоти носоз бўлган трактор ва машиналардан фойдаланиш.

Камчиликларнинг мавжудлиги ёнгин содир бўлиши, иншоотлар талофат кўриши, қолаверса, инсонларнинг куйиш тан жароҳати олиб, ҳалок бўлишига олиб келишини унумаслик кепрек.

Самарқанд вилояти Пахтакор туманидаги «Зиёвуддин толаси» ҳиссадорлик жамияти ва унга қарашли Султонобод, Деҳқонобод, Т.Кенжав, Хумор, Пўлатчи, И.Жоби пахта қабул қилиш пунктлари бирламчи ёнгин ўтириш воситалари билан тўлиқ таъминланмаган, ишлаб чиқариш цехларидаги ички ёнгин ўтириш жўмраклари, ёнгинга қарши сув ҳавзалари таъмирланмаган, енг ва дастаклар билан жиҳозланмаган.

Шунга ўхшаш камчиликларни Андикон вилоятидаги «Суфиқиши-



лашган «Пахтакор» пахта тозалаш корхонасидаги ёнгин ўтириш автомашинаси аккумулятор батареяси ва ёнгин ўтириш асбоб-анжомлари билан таъминланниб, жанговар ҳолатга келтирилмаган. Ахир ёнгин содир бўлса, жанговар ҳолатини йўқоттан автомушина хатто эндиғина авж олаётган алантани бартараф эта олмай, ёнгин катта майдонларга тарқалиб кетишига олиб келишини унумаслик кепрек.

Самарқанд вилояти Пахтакор туманидаги «Зиёвуддин толаси» ҳиссадорлик жамияти ва унга қарашли Султонобод, Деҳқонобод, Т.Кенжав, Хумор, Пўлатчи, И.Жоби пахта қабул қилиш пунктлари бирламчи ёнгин ўтириш воситалари билан тўлиқ таъминланмаган, ишлаб чиқариш цехларидаги ички ёнгин ўтириш жўмраклари, ёнгинга қарши сув ҳавзалари таъмирланмаган, енг ва дастаклар билан жиҳозланмаган.

Ф. САДУЛЛАЕВА,  
майор.  
У. ВАФОЕВ,  
катта лейтенант.

# ПУХТАЛИК - ХОТИРЖАМАЛИК ДЕМАК

## УСТОЗЛАР ШІОНЧИННИ ОҚЛАЙПЗ

Юрт тинчлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш осойишталик посбонидан юксак маҳорат, пухта билим ва етарли касбий тайёргарлик талаб этади. Бундай етуклика эришиш осон эмас, албатта. Шуни фаҳр ва ифтихор билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти ва педагогик жамоаси юрт тинчлигини асрашдек олижаноб вазифани бекаму кўст улдалайдиган ёшларни тарбиялашда етакчи олийгоҳлардан бирига айланди. Мана беш ойдирки, Хоразм вилояти ИИБ раҳбариятининг йўлланмаси билан ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсларида таҳсил олајпман.

Бу билим даргоҳида бўлғуси осойишталик посбонларини метин иродали, жисмонан бақувват, теран фикрловчи етукинсонлар қилиб тарбиялашда дунё андозаларига мос тарзда билим беришяпти. Айниқса, меъёрий ҳужжатларни юритиш, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида-

ги, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари ниҳоятда пухта ўргатилади. Қисқа вақт ичидаги ҳалқ осойишталигини таъминлашдек муҳим ва шарафли вазифани бемалол улдалайдиган кадрларни етишириб чиқаришда ИИБ Академияси профессор-ўқитувчилари сидқидилдан хизмат қилишяпти. Колаверса, Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ҳам бир неча маротаба биз таҳсил олаётган олийгоҳга ташриф буюриб, тингловчилар билан суҳбатлашиши. Уларнинг илм олиши ва жисмоний тайёргарлиги билан яқиндан танишишди. ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари тингловчилари пухта билим берадиган профессор ва ўқитувчилар, тез-тез хабар олаётган бошқарма раҳбариятининг бундай фамхўрликларидан чексиз мамнун бўлишияпти. Ҳаётимизни ҳалқ осойишталигини таъминлашдек улуғ мақсадга боғлаган эканмиз, уларнинг ишончини албатта оқлаймиз.

Ғанижон ЁҚУБОВ.





# ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ОДИМАРИ

Вақт учқур отдай елиб бораяпти. Республика мизда истиқлол күёши порлаган кунга ҳам ўн беш йил тұлалади. Гүё күз очиб юмғунча үтиб кетгандай туолади. Бирок, ортда қолган йилларда мамлакатимизда оламшумул ишлар қилинди.

Жұмладан, ички ишлар идоралари фаолиятида замон талаби даражасыда ўзгаришларға әришилди. Илгари хизмат қылған участка нөзіри билан ҳозирги профилактика инспекторининг фоалиятини тенглаштириб бўлмайди. Уч-тўртта қишлоққа битта участка нөзіри тайинланган. Фуқаролар ҳудудга хизмат қиладиган милиция ходимини кам күришган, айримлар танимаган ҳам. Ислоҳот талаби асосида участка нөзіри ўрнига жойларда профилактика инспектори лавозимлари жорий этилди. Ҳудудда тинчлик осойишталиктин сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ, маҳалла оқсоқоллари, фаоллари билан ҳамкорлик қилиш көнг йўлга кўйилди. Бу билан ички ишлар ходимиининг фуқаролар, жамоатчилик билан ҳар томонлама алоқаси мустаҳкамланыпти. Бу эса жойларда ҳуқуқбу-

зарлик, қонунбузарликтарнинг камайышына олиб келди. Жойларда ташкил этилган милиция таянч пунктлари фуқароларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа масалаларини ҳал этиш, зарур ҳолларда ҳимоя қилиш идорасига айланди.

Айни кунларда вилоятимизда 130 та милиция таянч пунктлари мавжуд. 203 нафар профилактика инспектори аҳолига хизмат қилмоқда. Ҳар бир таянч пункти замонавий тарзда қурилган, таъмирдан чиқарилган ва жиҳозланган. Бу йил яна учта милиция таянч пункти қурилиб тушуништаги таъминланган.

Вилоятимизда мустақиллик йилларидан ички ишлар ходимларининг хизмат қилиши, дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга катта эътибор берилди. Эски, пастқам бинолар ўрнига замонавий, кўркам бинолар қурилди. Жиззах шаҳар, Янгибод, Зомин, Бахмал, Фориш, Зафаробод, Дўстлик, Арнасой тумани ички ишлар бўлимлари янги биноларга кўчди. Айниқса, Янгибод тумани ички ишлар ходимлари ҳар томонлама зарур шарт шароитлар яратилган бинога эга бўлганларини айтиб ўтиш жоиз.

Ички ишлар идоралари компьютерлар

билан таъминланаштаги боис хизматда турли ҳужжатларни тез ва сифатли тайёрланишыга әришияпти. Алоқа воситалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Илгари оддий телефон алоқаси ҳам яхши ишламай, сарсонгарчиликлар бўлиб турарди.

Ходимларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини доимий равишида ошириб бориш талаб этиляпти. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Даштобод кўргонида бунёд этилган жанговар тайёргарлик марказида ходимлар учун бир ойлик машгулотлар олиб борилади.

Деярли ҳамма туманлар ички ишлар бўлимларида қишки спорт заллари мавжуд. Ходимларнинг жисмоний чиниқишлиари учун тренажёрлар ишлаб турибди.

Ходимларниң кўпдан бери орзулари амалга ошиб, ўтган или ҳар бири 24 хонадонли иккита ўй фойдаланишга топширилди.

Тиббиёт бўлими кенгайтирилиб, кундузги стационар очилди.

Экспертиза ва криминология бўлими учун келтирилган замонавий аппаратлар билан жиҳозланган автомашинада жиноят содир этилган жойнинг ўзида криминал текширулар олиб боришга имкон бўляпти.

Бу аввало жиноятни иссиғида аниқлаш ва очишда муҳимдир. Истиқлол йилларидан амалга оширилган ишларни яна сабаб ўтиш мумкин. Уларнинг барчаси, вилоятда тинчлик ва осойишталиктин сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қиляпти.

Кейинги йилларда жиноятларнинг сезиларли дараҷада камайиб бораётгани ана шу саъиҳаракатлар ҳосиласидир.

**Абдувоҳид ИСМОИЛОВ,**  
Жиззах вилояти ИИБ ҳошимлиги, полковник



Вилоят ИИБ ЭКБ ходимлари далил-ашёларни ҳар томонлама синчиклаб текшириб кўрадилар.

Инсон қадрини баланд тутадиган халқимиз. Айниқса, кексаларни эъзозлаймиз. Бу юксак қадрият юртимиз истиқлолга эршиганидан кейин янада ошиди. Кексайиб, куч-қувватдан қолгандарни ҳурмат қилган, уларга суюнчиқ бўлганларга Аллоҳ ҳам раҳмат назари билан қарайди.

## ШУКРОНАЛАР АЙТИБ ЯШАЯПМИЗ

Вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши ҳисобида 14дан зиёд ички ишлар фахрийлари бор. Кўп йиллар юртинглиги ва осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилиб, нафақага чиқсанлар эътибордан қолмай уларга ғамхўрлик кўрсатилаётганидан беҳад мамнунмиз. Ҳозирги кунда пёnsionерлар ўз вақтида нафақа пулени олишияпти. Ногирон, касалманд, бокувчисини йўқотгандарга нисбатан кўрсатилаётган катта эътибор учун ҳар қанча миннатдорчилик билдирилса арзиди. Шу йилнинг ўзида иккি нафар пенсионерга ногиронлар аравачаси олиб берилди. 140 дан ортиқ кексалар саломатлигини тиклаш, даволаниш учун санатория, дам олиш уйларига юборилди. 180 дан ортиқ кишига эса бензин олиш учун пул ажратилди.

Буларнинг барчаси, аввало, юртимизда фуқароларга ғамхўрлик кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ифодасидир. Истиқлол боис ана шундай меҳр-муруват кўрсатишга әришилди.

Вилоят ИИБ раҳбарияти мамлакатимизда нишонланадиган ҳар бир байрамда фахрийларни йўқлаб, совга — салом ўюштириб, кексаларни мамнун этади. Айниқса, ногиронлар, бокувчисини йўқотган оиласарларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганипти. Фахрийлар кенгаши учун алоҳида бино қуриб берилди. Юмшоқ ўриндиклар билан жиҳозланган хонада фахрийлар бир-бирлари билан учрашиб, сұхбатлашиб, гурунглашиб ўтиришади.

Фахрийларимизнинг етмиш фоизидан ортиғи ишлайди. Уларнинг бир қисми жамоат ишларидан иштирок этмоқда. Маҳалла, қишлоқ фуқаролар йигинлари раиси, кўчабоши бўлиб хизмат қилишияпти. Ғермер, тадбиркор, жойларда ҳуқуқшунос-маслаҳатчилик килаётгандар бор.

Кўп йиллар хизматларимиз инобатта олиниб, ғамхўрлик кўрсатилаётган ҳурмат эътибордан шукроналар айтиб яшяяпмиз. Истиқлол күёши халқимиз бошида абадий порлаб турсин.

**Жонзор ҚУРДИМУРОДОВ,**  
вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси,  
истеъфодаги подполковник

## ОРЗУЛАР РЎЁБГА ЧИҚЯПТИ

Сир эмас илгари айрим хорижий фильмларни томоша қилганда, ички ишлар ходимлари учун яратилган шароитларни енгил машиналар, кенг ёруғ хоналар, ахборот олиш учун қулай алоқа воситалари, компютерларни кўриб ҳавас қилардик. Кинога олиш учунгина шундай жиҳозлангандир, деган хаёлга ҳам борганимиз. Бирок ҳозирги кунда буларнинг барни ўзинизда ҳам бор, хизматимизда тайёр.

Юртимизда эсаётган истиқлол шамоли, ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислоҳотлар боис хизматда кўп, қулай шароитлар яратишади.

Бизнинг Галлаорол тумани ИИБ биноси анча баҳаво ерга жойлашган. Катта режалар бўйича бошланган курилишнинг асосий қисми тугалланиб, спорт иншоотлари учун ажратилган қисми чалақолиб кетганди.

Кўп йиллар хизмат қилган бино анча эскириб қолгандан кейин тўла таъмирдан чиқарилб, айрим хоналар, талаб даражасида қайта мослаҳатрилиб. Маърифат хонаси кенгайтирилиб, жиҳозланади. Бинонинг ёнига янги хоналар қурилди. Ошхона, дам олиш хоналари кенгайтирилиб, янги мебеллар билан жиҳозланди.

Ходимларимиз, айниқса, қишки спорт майдони курилиб, тренажёрлар хонаси очилганидан мамнун бўлдилар. Улар ишдан бўш вақтида жисмонан чиниқиши учун хоҳлаган спорт тури билан шугулланишлари мумкин. Шунингдек, ходимларимизнинг фарзандлари учун қатор тўгараклар ташкил этилган. Яратилаётган шарт-шароитлар янада кучгайрат билан хизмат қилишишмизга омил бўлмоқда.

**Эсонбай КАЗАКОВ,**  
туман ИИБ бошлиги  
уринбосари, майор



Бугунги кунда Асака тумани ички ишлар бўлими таркибида 20 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳалла посбонлари ҳаракатига асосланган ҳолда фаолият кўрсатиш йўлга қўйилган. Ҳар бир маҳалла, кўчанинг ўз фаоллари, кўнгиллилари борки, улар профилактика инспекторлари билан бир сафда, осойишталикни таъминлашга яқиндан ёрдам беришяпти.

Шу ўринда «Қайрағоч» маҳалласи ўрамида жойлашган 74-милиция таянч пункти ҳақида алоҳида тўхтамоқ ўринлидир. Олти ярим минг нафардан зиёд аҳолини ўзида жам этган ушбу ҳудуд 5 та кўчадан иборат. Мазкур милиция таянч пунктида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинлари билан ҳамкорликда турли хил масалаларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилаётпти.

Шунингдек, маҳаллада соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда 3000 кишига мўлжалланган замонавий спорт мажмуасида эр-

кин кураш, бокс, тенис, футбол каби ўнлаб спорт тўғараклари ташкил этилди. Айни дамда 280 нафар вояга етмаганлар ушбу мажмууда спорт билан шуғулланишмоқда. Яқин кунларда аёллар машгулот хонаси ҳам ўз фаолиятини бошлайди. «Усташогирд» таркибида ташкил топган чеварчилик, дурад-

горлик, косибчилик каби касб-хунар марказларида маҳалла аҳли ҳам билим оляпти, ҳам иш билан таъминланяпти. Мингга яқин китоб жамғармасига эга бўлган мўъжазгина кутубхона ёшларнинг севимли масканларидан биридир. Айтиш жоизки, милиция таянч пункти замонавий техника ва алоқа воситалари билан таъминланган. Нифақат туман, балки вилоятда ҳам намунали бўлган ушбу маскандаги ибратли ишлар самараси туфайли йилнинг шу давригача ҳудудда бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик содир этилмади. Бу борада профилактика инспектори, катта лейтенант Абдумажид Низомов, маҳалла посбонлари сардори Абдулжалил Лўлиев, «Кўжтан» қишлоқ фуқаролар йигини раиси Шукрулло Адҳамов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Хосиятхон Хондароваларнинг ҳиссаси катта.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.



Суратда: Хива туман «Илон қалъа» маҳалласи посбонлар сардори Эгамберган Бобоҷонов, профилактика инспектори, капитан Баҳтиёр Нуруллаев, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Султонпошша Раҳимова, маҳалла фаоли Одилбек Ибрагимов ва Хива туман ИИБ ҲООБ бошлиғи, майор Зоқиржон Раҳимовлар.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ олган сурат

**ОГОХЛИК – ДАВР ТАЛАБИ**

# АЗИЗ ЮРТИНГ ОМОН БЎЛАСА...

**Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда барқарорлигимизни янада мустаҳкамлаш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ижтимоий, сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, диний экстремизм ва терроризминг олдини олиш ҳамда бундай фожиаларга йўл қўймаслик мақсадида республика ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси, унинг тизимлари ходимлари, шунингдек, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари, ўқув муассасалари ҳамкорлигига жойларда турли тадбирлар ташкил этилаётпти.**

— Жорий йилнинг шу кунига қадар ўтказилган тадбирлар жараённада маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда ҳар хил мавзуларда 2500дан зиёд учрашувлар бўлиб ўтди. Бунда асосий эътибор аҳоли билан жонли мулоқот ва сұхбатлар, фикр алмашувларга қаратилиб, айтилмоқчи бўлган фикрлар қатнашчиларга ҳаётий мисоллар орқали, содда ва тушунарли қилиб етказилди, — дейди биз билан сұхбатда республика ИИБ ҲООБ бошлигининг ўринбосари, полковник Шавкат Ҳикматов. — Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад юртимизда тинчликни таъминлаш, ҳалқимиз эришаётган ютуқларни кўролмайдиган ғаламисларнинг давлатимиз сиёсатига қарши турли хил мишишлар тарқатишлари, фуқароларни диний оқимлар таъсирига тушиб қолишидан огоҳ қилишга қаратилган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фуқаролар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни турли диний-экстремистик оқимлар таъсиридан сақлашга масъул бўлган диний маърифат ва маънавий – ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган 7692 нафар маслаҳатчilar диний-экстремистик оқимларга мансуб бўлган шахсларнинг оила аъзоларини ўрганиб чиқишиди. Олиб борилган профилактик тарбия таъсири чоралари натижасида уларнинг аксарияти тузалиш йўлига кирди ва ўзлари интилган «дунё» қабоҷат ва разолат ботқоғидан иборат эканлигини англаштишиди.

Албатта, бунда профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва башқа жамоат ташкилотларининг ўрни беқиёсdir. Негаки, улар аҳолини ҳуշёрлик, огоҳликка даъват этишда бир-бирларига кўмак бериб, елкама-елка ишлашаётгани яхши самара бермоқда.

Ана шундай намунали масканлардан бири Бекобод шаҳридаги С. Раҳимов номли маҳалла бўлиб, ушбу ҳудудда 73 та кўпқаватли уйлар, 100дан ортиқ ҳовлини хонадон, шунингдек, коллеж, мактаб, корхона ва ташкилотлар жойлашган. Кўриниб турибди, бундай шароитда тинчлик, осойишталикни сақлаш, фуқаролар билан ишлаш осон эмас. Аммо бу вазифани 33-милиция таянч пункти катта инспектори, катта лейтенант Р. Яфаров, маҳалла оқсоқоли Б. Жўраев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Ш. Тожибоева ҳамда маҳалла посбонлари ҳамжиҳатликда кўнгилдагидек удалашаётпти. Ҳудуддаги кўпқаватли уйларнинг томи ва ертўлаларини назорат қилиш, маҳаллада пайдо бўлган нотаниш кимсалардан огоҳ бўлиш, энг муҳими, аҳоли ўртасида «Огоҳлик – давр талаби», «Ўз уйингни ўзинг сакла», «Террор ислом динига тухмат қилмоқда» каби мавзуларда давра сұхбатлари уюштирилаётгани тинчлик, осойишталикни сақлашда муҳим омил бўлмоқда.

— Ватан остоидан бошланади, дейдилар. Бунинг замирида олам-олам маъно бор. Чунки Ватан, аввало, оила, маҳалла дегани. Шундай экан мазкур масканларда яшаётган фуқароларимиз огоҳ ва ҳуշёр бўлсагина ҳеч ким бизнинг тинчлигимизга раҳна сололмайди, — дейди катта лейтенант Ринат Яфаров.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, огоҳлик ва бунга даъват этиш бир кунлик ёки бир ойлик иш эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Аҳиллик, иноқлик турмушимизни маънан бойитиб, фаровон қилаётган экан, ҳар биримиз тинч ҳаётни таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Барқарорлик бор жойда эса юрт обод, инсонлар баҳтиёр бўлади.

Умид Ҷ. БОЛЛИЕВА.

Хизмат тақозоси билан ҳар куни турили ишларни кўриб чиқиши мизга тўғри келади. Ушбу жараёнларда кўпроқ жиноят ёки хуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уни содир этган фуқароларнинг шахси билан қизиқаман. Натижада аксарият хуқуқбузарлик ва жиноятлар ҳеч қаерда ишламайдиган ёки ўқимайдиган, оқни қорадан ажратолмайдиган, яна ҳам аниқроғи, ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини тушунмаган кишилар томонидан содир этилаётганига амин бўламан.

Аммо байзила ўзи яшайдиганда маҳаллада яхшигина обў-эътибор қозонган инсонлар билан боғлиқ ишларни кўришга тўғри келади, бу ҳолат кишининг ҳафсаласини пир қилмай кўймайди.

Тўрт фарзанд, қатор наираю чевараларга бosh бўлган Азамат Нарзиев (исм-шарифлар ўзгартириб



фузли идора-нинг раҳбари эди. Каттаю кичик ҳурмат қиласди. Нима бўлди-ю, Азамат отани шайтон йўлдан урди. Кунларнинг бирида А. Нарзиев ўзи раҳбар бўлган идорага фуқаро Ўктаамон Ҳайдаровни ҳайдовчи вазифасига ишга қабул қилиш тўғрисида соҳта бўйруқ чиқарди.

— Бу расмийлаштириш

берилмоқда) ҳадемай табарук 70 ёшини қаршилайди. У Кўкон шахридаги ну-

учун холос. Аслида сен ба-жарадиган алоҳида ишлар бор, — деди у мугомбиро-на кўз қисиб.

Шундан сўнг бўлим бошлиги Ўктаамоннинг номига соҳта ҳужжат тўлди-риб, унинг имзосини қалбакилаштири ва маошли-рини ҳамёнига ура бошлади. Ўктаамонни эса бошқа ҳеч қандай ишга жалб қилмади ҳам. Бу ҳолат бир йил давом этди. Азамат Нарзиевнинг қинғир ишларини ҳеч ким сезмади. Шунинг учун у навбатдаги «опера-ция»га кўл уради. Яъни, орадан 3 ой ўтиб фуқаро Собитжон Баҳромовни ҳам ҳайдовчилликка «иш»га олди. Аммо унинг ўзи бундан бе-хабар қолди. Натижада Собитжоннинг номи бир қанча вақт соҳта ведомостларни тўлдириб турди.

Бироқ А. Нарзиев қинғир ишнинг қийиги бир кун келиб албатта чиқишини ўйламаган экан. Тергов жараёнда Ўктаамон ва Собитжоннинг номига ёзилган жами 332 минг сўмдан ортиқ пул унинг ҳамёнига тушгани аниқланди. Бу билан А. Нарзиев Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган. Шундай бўлса-да, унга нисбатан бағрикенглик қилиниб, амнистия қўлланилди ва етказилган зарарни қоплагани учун жиноят иши ҳаракатдан тўхтатили.

Ёки фуқаро Эътибор Юнусованинг хатти-ҳаракатларини олайлик. У ҳам А. Нарзиев сингари зиёли инсонлардан бири эди. Лекин опа ўз нафсини ўйлаб қонунга чап бермоқчи бўлди. Гап шундаки, у киши кўпдан бери тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида юрган эди. Ўтган иили макарон ишлаб чиқардиган дасттоҳни олиб келиб, ўйига ўрнатди. Аммо маҳсулот

ишилаб чиқариш учун сарфланадиган электр энергиясидан ўгринча фойдалана бошлади. Қарабисизки, ҳаш-пащ дегунча шаҳар электр тармоқлари корхонаси 460 минг сўмдан зиёд моддий зарар етказиб турибди-да. Унинг ўзбoshимчалиги солиқ инспекцияси ходимлари ва электр тармоқлари корхонаси мутахассислари томонидан ўтказилган текширишда фош бўлиб қолди.

Э. Юнусовага нисбатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишили моддаси билан жиноят иши қўзғатилганди. Бироқ суд мажлисида кўрсатма берган электр тармоқлари корхонаси ҳуқуқшуноси А. Ваҳобов айланувчи корхонага ет-

Пўлатжон МАМАТУСМОНОВ.

## МУАЛЛИМ СОХТА ЭКАН

Талаба бўлиш, ундан кейин 4-5 йил завқли ва маваққатли даврни бошдан кечириш учун қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказиб, астойдил ўқиш, изланиш лозим.

Бироқ Поп туманилик Йўлдош Умаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) бир юмалаб талаба эмас, биратўла бакалавр дарожасидаги олий маълумотли тарих ўқитувчиси бўлди-қолди. Қандай қилиб дейсизми? Унда эшитинг.

1998 иили ўрта мактабни тамомлган Йўлдошнинг на ўқишига, на ишга тоби бор эди. Буни қарангки, «Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан», деган ҳаёт тарзига ўрганган отанинг ҳам заҳмат чекишига кўпам ҳуши йўқ эди. Шу боис, ўғлини таралла белод бўлиб улғайганига парво ҳам қилмади. Аксинча, тез орада эркайини уйлантириб қўиди.

— Қўявер ўғлим, ёшлигин гда ўйнаб-кул, юрасанми тўрт-беш йил китоб-дафтартиткилаб. Ўзим сени олий маълумотли қилиб қўяман, — деди ота. Бу гап эрка ўғилга сариёғдек ёқиб тушди.

Орадан тўрт йил ўтди. 2002 йилги дипломнинг ҳаракатига тушшиб қолган ота Тошкент-



га келиб, нотаниш кимсадан 150 минг сўмга диплом сотиб олди. «Сотувчи» В №010991 се-рияли дипломнинг ҳақиқийлигига отани ишонтириди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика

университетининг гербли муҳри босилган, аммо ҳеч қандай маълумотлар ёзилмаган қалбаки дипломни қўлтиқлаган ота уйга хурсанд кириб келди. Шу куни ёқ дипломга ўғлининг исм-шарифи, 2002 йил

24 июля 1472-реками билан берилганлигини ёзиб қўйишиди.

— Қани, мулла Йўлдош, суюнчини беринг-чи, олий маълумот муборак бўлсин!

Йўлдош 2002 йил ноябрь ойида тумандаги мактаблардан бирининг директорига учрашиди ва ҳатто институт остоносидан ҳам хатламаган «тарих фани ўқитувчиси» ишга қабул қилинди. Ўтган давр оралигига соҳта муаллим қандай қилиб юқори синжаларга тарихдан сабоқ берганига ҳайрон қоласан, киши.

Қинғир ишнинг қийиги қирқ йилда ҳам чиқади, деганларидек соҳта муаллимнинг сири 2006 йил март ойи бошида очилиб қолди. Қалбаки диплом билан ишлаган даврда 1 млн. 643 минг сўмдан ортиқ иш ҳақи олиб, давлатга кўп миқдорда зарар етказган Йўлдошнинг қилмишига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қонуний баҳо берилди. Жиноят ишлари бўйича Поп туман суди судланувчи Йўлдош Умаровни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддаларида кўрсатилган жиноятнинг содир эттанлигда айборд деб топиб, тегиши жазо тайинлади.

Фурқат МАМАЖОНОВ,  
майор.

## ЭР-ХОТИНИНИГ УРИШИ...

Ўша куни ҳам улар уйда ўзаро келиши олмадилар. Ҳар иккиси бир-бiri-ни ҳақоратлади, муроса қилишга ўрин қолмади. Шунда Музаффар уйдан чиқиб кетди. У уч кунгача қайтмади. Ларисанинг фифони кўкка етди. «Қўлимга тушгин, адабингни берман...» дилига тутди у. Сўнг ўйлай-ўйлай уни қаердан топиш мумкинлигига ақли етди. Ахир, Музаффар ҳар куни «Курилиш моллари» савдо марказига қарашли вино дўконига кириб туради-ку. Лариса дўконга борди. Эрининг келишини кутди. Музаффар дўконга кириб кетиши билан ортидан у ҳам кирди.

— Ҳой, уч кундан бўён қаерда

юрибсан? Нега ўйга келмаяпсан...

Лариса эрини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди. Сўнг яширинча олиб келган пичоқ билан Музаффарга ташланди. Хотинининг феълини яхши билган йигит кўча томон қочди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай одамлар орасида «Эшитдингизми, Лариса эрини пичоқлаб қўйибди...» деган шов-шув тарқалди.

Ҳа, аёл эрининг кўксига пичоқ санчиган эди. Шифокорлар Музаффарнинг ҳаётини саклаб қолишиди. Аммо оиласи саклаб қолишининг иложи бўлмади. Лариса Ландишева бепчинчи бор жиноят жазога тўғри кетиши.

Саминжон ХУСАНЗОДА.

## ҒИРРОМШИНГ БОЕИ КЎКАРМАС



# ПОСТА-TV

ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР 21 август – 27 август

MICHELE PFEIFFER



*Мөхмөнхонанинг одам гавжум залида аёл уч яшар ўғелини ўғирлатиб қўяди. Эр хотининг барча саъй-ҳаракатлари зое кетади. Улар фарзандлари топилишидан умидларини узишганларида – орадан тўққиз иштаб останада ўғиллари пайдо бўлади. Энди айрилиқка кўнишиб бўлган ота-она фарзандларини қандай қабул қилишар экан?*



ТВ 3, чоршанба  
21.30 Комедия  
**«ФИРИГАРЛАР»**  
(«МОШЕННИКИ»)

Сара Мур Нью-Йоркка сафари чоғида бойвачча эри Гордондан ажрашиш ҳақида хабарнома олади. Эр хотин яшайдиган Техас штати қонунига кўра Сарага турмуш ўртоғининг бойлигидан бир доллар ҳам тегмайди. Шунда «тадбиркор» аёл айёрлик қиласи: суд ижроисининг оғзини мойлаб, ўзини Гордондан ҳеч қандай расмий қофоз олмаган қилиб кўрсатади. Ўзи эса Нью-Йоркдан эрига ажрашиш ҳақида хужжат жўнатади. Сабаби, ушбу штат қонунларига кўра, ажрашиш пайти эр хотининг мол-мулки ўртада тенг тақсимланади.

Ролларда: Мэтью Перри, Элизабет Херли.



«Биринчи» канал, жума  
0. 15 Комедия  
**«БУНДАЙ ЭМАС ДЕГИН»** («СКАЖИ, ЧТО ЭТО НЕ ТАК»)

Ёш, кувноқ йигит – Гилберт Нобль дайди ўй ҳайвонларини тутиш хизматида ишлайди. Унинг ота-онаси йўқ. Аммо уларни тинимсиз излайди. Бахтига гўзал қайлиги Жозефина бор. Кутимаганда бир янгиликдан боҳбар бўлади – унинг онаси топилади. Шундан сўнг Жозефина ўзининг синглиси эканлиги маълум бўлади. Бу хабар қисқа вақт ичиди бутун шаҳарга тарқалади...

Ролларда: Хизер Грэм, Крис Клайн, Орландо Жонс, Ричард Женкинс, Эдди Сибраян, Лин Шэй, Марк Пеллегрино, Брент Брискоу.

МЕЛОДРАМА

**«ОКЕАННИНГ ЭНГ ТУБИНА»  
(«НА САМОМ АНЕ ОКЕАНА»)**

СТС,  
пайшанба  
**2.55**

Ролларда:  
Мишель Пфайффер, Трил Уильямс, Жонатан Жексон, Жон Капелос, Вупи Голдберг.



РТР, якшанба  
19.45 Бадий фильм «БУҲАҚДА БИЛМАГАНИ МАЪҚУЛ» («ОБ ЭТОМ ЛУЧШЕ НЕ ЗНАТЬ»).

Антон омади чопган ишбилармон. У маҳфий никоҳ агентлиги борлигидан хабар топади. Дўстининг айтишича, бўйдоқ йигитлар ўзларининг бўлажак қайликлари билан гўёки тасодифан танишиб қолишиади. Масалан, мөхмөнхонада ёнма-ён хоналарга жойлашиши, театрда ёнма-ён ўтириб қолишиади. Шунда Антон бундан уч йил бурун мен ҳам машинамда бўлажак хотинимнинг «Жигули»сини туртиб юборишим, балки, тасодиф эмасдир, деб ўйланиб қолади...

Ролларда: Виктор Раков, Дарья Повереннова, Евгения Дмитриева, Дмитрий Харатьян.















## ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗФАТИЛДИ



Сахалин вилоятини прокуратураси япон балиқчилар кемаси Россия чегараларидан ноқонуний ўтгани ва браконьерлик қилгани ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатди.

16 август тонготарида Россия чегарачилари мамлакатнинг денгиз худудига Япония томондан ҳеч қандай белгисиз ва сигнал чироқларисиз кема кириб келганлигини қайд этишади. Кема сигналларга жавоб қайтармай Япония томон ўйл олгач, чегарачилар огоҳлантириб ўқ узишади. Кема фазат иккинчи бор ўқ узилганидан кейингина тўхтайди.

Текшириш чоғида экипаж аъзоларидан бири бошидан яраланиб ҳаётдан кўз юмгани маълум бўлади. Кема бортида 30 килограмм денгиз чигафони, 10 килограмм саккизоёқ, 25 та тўр бор эди.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги экипаж аъзоларидан бири ҳалок бўлганлигидан таассуфда эканлигини изҳор этди. Аммо россиялик дипломатлар юз берган фожиага япониялик балиқчиларнинг ўзлари айбор эканликларини таъкидлайдилар.

## ҚОИДА ҲАММАГА БИР ЖИЛ



Машҳур киноактёр Мэл Гибсон 28 июль куни маст ҳолатда машина бошқаргани ва тезликни меъеридан икки баравар оширгани учун полиция томонидан ҳибсга олинган эди. У қўлга олиси чоғида полициячиларга қаршилик кўрсатган, яхудий ҳалқи шаънинга бўлмагур гапларни айтган. Орадан бир неча кун ўтиб эса яхудийлардан кечириб сўраган ва ичкиликбозлик касаллигидан даволанишини таъкидлаган.


Яқинда Малибу Олий суди Мэл Гибсонни юқоридаги қўлмиши учун шартли равишда училта қамоқ жазосига ҳўкм этди. Шунингдек, суд ҳукмига кўра актёр жарима тўлаши ва ичкиликбозлик хасталигидан даволаниши шарт. Суд жараснила Гибсоннинг ўзи иштирок этмали, унинг манфаатларини адвокати химоя қилди.

## ТРОЛЛЕЙБУСДАГИ ПОРТЛАШ

Якшанба куни Тирасполь шаҳридаги троллейбуслардан бирида портлаш юз берган эди. Даствабки маълумотларга қараганда, жиноятчилар троллейбус салонига иккита граната улоқтиришган. Кейинроқ воқеа жойидан портлаб ултурмаган яна иккита граната топилган. Портлаш оқибатида икки киши, шу жумладан Россия фуқароси – 6 ёшли Алиса Кравцова ҳалок бўлган. Ўнлаб одамлар яратаниб, касалхонага ётқизилган.

Куни кеча ана ўзу жиноятини содир этганликда гумонланиб, бир шахс қўлга олинди. Тахминларга кўра у ўюшган жиноий турӯлар билан боғлиқ бўлмаган, якка ўзи иш кўрган, деб хабар қиласи.

Кўлга олинган шахснинг исми шарифи ҳозирча оғиркор этилмаялти. Гумон қилинувчининг уйидан яна бир қанча ўқдорилар топилди.



## ЎН ЙИЛДАН СЎНГ

1996 йил 26 декабрда олти ёшли американлик Жон Бенет Рэмсининг мурдаси ўз уйининг ертўласида топилган эди.

У АҚШда қизалоқлар ўртасида ўтказилган гўзллар танловида маликаликни қўлга киритганди. Аввалига Рэмсининг ўлимида

унинг ота-онаси айбор деб гумон қилинганди. Ниҳоят орадан ўн йилча ўтиб ҳақиқий қотил топилди. У собиқ ўқитувчи Жон Марк Карр бўлиб чиқди. Жиноятчи 2006 йил 16 август куни Бангкокда қўлга олинди.

Марк Карри ўзининг тан олишича, қизалоқни яхши кўрган, аввалига унга гиёхвандлик моддалари ичириб, зўрлаб, сўнг тасодифан ўлдириб қўйган.

## ТУНГУРАУА ВУЛҚОНИ УЙГОНДИ

Эквадордаги Тунгурарауа вулқони чоршанба куни уйғонган эди. Эртасига у янам кучайди. Бунинг устига Рихтер шкаласи бўйича 4,7 баллик ер силкимиши ҳам қайл этилди.

Табиий оғат юз берган ҳудуддан бир ярим мингга яқин аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Вулқон отилиши оқибатида ўн мингча фуқаро бошпанаиз қолишиди. Олтмиш киши бедарак йўқолган. Минглаб гектар майдондаги қишлоқ хўжалик экинлари нобуд бўлган. Вулқон сўнгти бор 1999 йилда фаоллашган эди.

## САДҚАИ ОНА КЕТСИН

Буюк Британияда ўзининг ўсмир ўғлини гиёхвандликка ўргатган аёл тўқиз ўйлга озодликдан маҳрум этилди, деб хабар қиласи «Sky news» агентлиги. Тергов маълумотларига қараганда ўзи ҳам гиёхванд бўлган Эмма Келли ўғлига 9 ёшлигидан заҳри қотил бера бошлаган. Гувоҳлар унинг фарзандига мактаб дарвозаси олдода тероин, кокаин берадиганини бир неча марта кўришган. Аёл ўқитувчилардан ўғлининг гиёхвандлик моддалари истеъмол қилишини яширган.

2005 йил январида Келли дўконда ўғрилик қилиб қўлга тушгач, юқоридаги қўлмишлари ҳам фош бўлган. Судья Энтони Нивельт аёлга қарата: «Сиз ўғлинизга ёрдам бериш учун харакат ҳам қилмагансиз. Аксинча, уни жувонмарг этиш йўлида қўлингиздан келган деярли барча қабиҳликларни қилгансиз», – деди. Судья, шунингдек, ижтимоий хизмат вакиларини ҳам кескин танқид остига олган. Сабаби, улар бу борада маълумотларга эта бўлишларига қарамай, вазиятта аралашишмаган, фақат полиция ишга киришгачнина фоллашишган.

## ЎРМОНЗОРДАГИ «ТОПИЛМА»

Лондон шаҳридан 50 чақирим узоқликдағи ўрмонзордан полициячилар маҳсус рёйд чоғида бир чемодан топилди.

Унинг ичидаги бомба ясаш учун зарур бўлган ҳамма нарса бор эди. Хавфли топилма топилган жойда илгари авиа транспортда террорчилик ҳаракати содир этишга уринишда гумонланиб қўлга олинган шахслардан бирининг ўйи яқин жойлашган эди.

Скотланд-Ярд вакиллари ҳозирча воқеа тафсилотларини маълум қилишмаяпти. Эсингизда бўлса, полиция маълумотларига қараганда, террорчилар Буюк Британиядан АҚШга парвоз этадиган 10 та самолётни портлатишни режалаштиришган эди. Ҳозиргача ушбу ҳаракатларда гумонланиб 24 киши ҳибсга олинган, кейинроқ улардан бири етарли асос бўлмаганлиги сабаби қўйиб юборилган.



## ТЕЛЕЖУРНАЛИСТЛАР АЙБОРМИ?



Ҳиндистонлик бир гурух тележурналистлар иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган кишининг ўзини ўзи ёқиб юборишига ёрдамлашишган, деб хабар қиласи «Reuters» ахборот агентлиги.


Полиция қўлга киритган тасвирларда улар ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган кишига дизель ёқилғиси ва гуғурт бераётгани аниқ акс этган. Фожиа 15 август куни Ҳиндистон шарқидаги шахсрарлардан бирида ўз берган.

Ўз-ўзини ёқиши ҳолати бир неча телеканалларда намойиш этилган. Ўз жонига қасд қилган киши аввал сутчиллик фермаларининг бирдан катта миқдорда қарздор бўлиб қолғач, ноилож шундай ўйл тутган. Агар тележурналистларнинг айби суд жараённида ўз тасдигини топса, улар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

## ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Эрмитаждаги ўғриликлар бўйича учинчи гумонланувчи – Иван Соболевга ҳам айб ўйлон қилинди. Санкт-Петербург давлат университетининг доценти бўлган бу шахс 2006 йилнинг 11 августида ҳибсга олинган эди. Тергов таҳминига кўра, айнан у ўғриликларнинг ташкилотчиси бўлган.

Ҳозирча ҳибсга олинган уч кишидан Николай Завадскийгина ўз айбина бўйнига олди. Унинг ўғли ва Иван Соболев эса ўзларини айбсиз санапмоқда. Илгарироқ ушбу жиноий турӯлар аъзоси деб ҳисобланган, осори атикалар бўйича мутахассис Максим Шепель эса ҳибсдан озод этилган. У ҳозир тергов жараённида гувоҳ сифатида иштирок этапти. Россия Федерацияси Баш прокуратурасидан хабар қилишларича, шу кунгача Эрмитаждан ўғриланган 221 та буюмнинг 24 таси топилган.



Шу йил 15 август куни Тошкент шоҳбекати тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари «Шимолий» темир йўл шоҳбекатида «Антитеррор – Тозалаш» тадбирини ўтказишгаётган эди. Улар Бекобод шаҳрилик А. Зебунисонинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланиб, холислар иштирокида текшириб кўришди. Икки нафар фарзанднинг онаси бўлган Зебунисо елим халталарга солинган 1кг 850 гр.дан зиёд геронини сочиш мақсадида олиб келаётгани фош бўлди.

Олиб борилган тезкор суриштирув тадбирлари натижасида Зебунисо Асраникулова наркотик моддаларни Тожикистон Республикаси фуқароси, 1964 йилда туғилган Сайд Манионовдан олганлиги маълум бўлади. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан тергов-суринтирув ишлари олиб борилмоқда.

\*\*\*

Куни кечаки Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан олинган тезкор мъълумотни ўрганиш жараённида пойтахтнинг Фарона йўли кўчасида жойлашган «Магистрал» қаҳвахонаси олдида фаргоналий М. исмли аёл текшириб кўрилди. Унинг кўлидаги елим халтада 2 кг герони борлиги аниқланиб, қўлга олинди.

камлик қилганини айтади. Тоҳир яна 300 минг сўмни Дијоромга элтиб беради. Ишлар силлиқ кўчаёттанидан хурсанд бўлгац Дијором Тоҳирга ўглини ҳам ишга жойлайман, деб 400 минг сўм сўрайди. Келишилган муддат ўтса-да, вадда қилинган иш бўлмаёттанидан ташвишланган К. Тоҳир Дијоромдан пулларни қайтариб бериши талаб қиласди. Дијором бир йил мобайннида уларни лақиллатиб юраверади. Унинг найрангларини тушуниб етган К. Тоҳир хукуқ-тартибот идорасига мурожаат қиласди. Ички ишлар ходимлари фирибгар аёлни навбатдаги жиноят устиди кўлга олиши.

\*\*\*

Мамлакатимиз фуқароларининг чет элларга саёҳатга чиқиши ёки ишлаб келишлари учун кенг имкониятлар

ий кўринишларни ҳам юзага чиқармоқда.

Республика ИИВга М. Дијафруз, А. Зулфиқор, Р. Бахтиёр, Ш. Аскар ва яна бир неча фуқародан шикоят аризаси келиб тушди. «Оиласиздан тинчлик, хотиржамлик йўқолди. 2003 йилнинг охирларида Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида яшовчи З. Гулбаҳор бизни Жанубий Кореяяга ишлаш учун жўнатаман, деб кўп микдорда пулимишин олганди. Ҳанузгача ишдан дарак йўқ. Пулларимизни ҳам қайтариб беришдан бош тортаяпти», деб ёзилади аризада.

Албатта, Гулбаҳор қонун олдида жавоб беради. Лекин шуни айтиш жоизки, жабрланивчиларни ҳеч ким Гулбаҳорга пул бер, деб мажбур қилмаган. Улар биринчи навбатда ишонувчанлик қурбони



сус ўкув юртларига кириш имтиҳонлари бошланиши билан содда одамларни лақиллатиб, фарзандини ўқишига киритиб қўйишга вадда берадиганлар

Антисанитария ҳолатида тайёрланиб, сотиш учун тах қилиб қўйилган 700 дона қўлбола ароқ, қопқоқлари, этикетка ва бошқа мосламалар далилий ашё сифатида олинди.

Ажабланарлиси шундаки, ароқфурушликини касб қилиб олган бу шахс илгари ҳам айнан шу турдаги жинояти учун жавобгарликка тортилган экан. Ҳозирда жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

\*\*\*

Шу йилнинг 8 август куни соат

23 ларда Артур Курбонов ўзининг «Нива» русумли автомашинасида Юнусобод туманининг 18-даҳасида яшовчи

# ҲАР ҚИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

яратиб берилган. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз хориҷда бўлиб қайтишмоқда. Хориҷга чиқиш фуқаролар-

бўлишган. Қолаверса, хориҷда ишлаш учун қонуний йўл билан боришини режалаштиришанида бундай кўргуликлар бўлмасди.

\*\*\*

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ навбатчилик қисмига Собир Раҳимов тумани Шифокорлар шаҳарчасида йўлтранспорт ҳодисаси содир этилганлиги ҳақида хабар келиб тушди. Зудлик билан воқеа жойига етиб борган ЙПХ инспекторлари дарахтга урилган «Тико» автомашинасини кўришди. Гувоҳларнинг мъълумотларига кўра, катта тезликда келаётган машина ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб қўйиши натижасида йўлдан чиқиб кетади ва икки нафар пиёдана уриб юбориб, ариқдан ўтиб, дарахтга урилади. «Тико»ни ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган 9-синиф ўқувчиси бошқарган экан.

\*\*\*

Ҳар йили олий ва ўрта-маҳ-

нинг дунёқарашини кенгайтириши, турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда халқимиз орасида авваллари бўлмаган янги жино-


кўпайиб қолади. Андикон банк коллежининг масъул котиби М. Анвар фуқаро А. Зокиржонни ўқишига киритиб қўйиш



эвазига 150 минг сўм олаётган вақтда Андикон вилояти ИИБ ЖК ва ТҚҚБ ходимлари томонидан кўлга олинди.

\*\*\*

Жиззах вилоятида ўтказиляётган «Тозалаш» тадбири давомида қатор хукуқбузарлик ҳолатларига чек қўйилмоқда. Вилоят хукуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу тадбирида қўлбola усулда спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш билан шуғулланган, Паҳтакор шаҳри Дўстлик маҳалласида яшовчи Г. Николайнинг ноқонупи фоалияти фош қилинди. У фуқаро Диљора Жамоловага 20 дона «Экстра» этикеткали арогининг ҳар бир донасини 700 сўмдан жами 14 минг сўмга сотганда ушланди. Унинг уйи кўздан кечирилганда, хонадонида яширин цех ташкил қўлганлиги аниқланди.



Шунингдек, Қашқадарё вилоятида ўтказилаётган «Тозалаш» тадбири давомида Кашиби тумани ИИБ ходимлари X. Имом ҳовлисида 700 туп кўкнор ўсимлигини парваришилаётганини аниқлашиди. Мазкур ҳолатлар юзасидан тергов-суринтирув ишлари олиб борилмоқда.

\*\*\*

Ҳалол меҳнат қилмай, текин даромад топишда қаршилик К. Дијоромга тенг келадигани топилмаса керак. Бўлмаса, у ўзини К. Тоҳирга хукуқ-тартибот идорасида ишлайман, деб таништиримасди. Дијоромнинг гапларига лаққа тушган К. Тоҳир таниши Т. Намознинг ўғлини нуғузли идоралардан бирига ишга жойлаштириб беринни илтимос қиласди. Ҳудди шу таклифи кутаётган Дијором хизмат ҳаққига 200 минг сўмни санаб олади. Орадан бирор вақт ўтгандан сўнг Дијором уларга берган пуллари

танишининг олдига келади. У ердан чиқиб қараса, машинасида кимdir ўтирибди. Но маълум кимса машина салонидан «Пионер» магнитоласи, 2 дона мусиқа карнайлашини ва 30 минг сўм пулни олиб жуфтакни ростлайди.

Воқеа жойига етиб келган тезкор-тергов гурухи аъзолари Артурнинг кўргазмасига асосан, ўғрилик содир этган шахснинг фотороботини тузадилар. Мазкур ҳудудга биринчирилган профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбири натижасида 1978 йилда туғилган, шу туманинг 19-даҳасида яшовчи А. Илҳом гумонланиб, далилий ашёлар билан кўлга олинади. У илгари ҳам ўғрилик жиноятини содир этганлиги учун 2 маротаба судланганлиги маълум бўлади.

# «БУ КУНЛАРНИ ҚАДРИГА ЕТИНГ»

**Вазирлик дарвозасидан бир киши кириб келяпти. Оқ-сариқдан келган басавлат, се-кип юриб бораётган бу нуронийни кўрган-лар саломлашиб ўтишади. Кўринишидан кўп ишлар халқ хизматида бўлиб, ҳозир иззат-икромда юрган кексани кўрган ёшлар бир-бirlарига ким-у, дея савол беришади. Катта ёшдагилар эса қўлларини кўксила-рига қўйиб:**

— Ассалому алайкум, генерал ота, — дея ўтиб кетишиади.

Саломга алик олиб, мулоим жилмайиб бораётган бу нуроний азиз фахрийларимиздан, истеъфодаги генерал-майор Шариф Рустамович Хасанбоев бўладилар. Мустақиллик байрами арафасида отахон билан ИИВ Фахрийлар кенгашида учрашди.

— Шариф Рустамович ҳадемай саксон олти ёшга тўладилар, — деди Фахрийлар кенгаши ради, истеъфодаги генерал-майор Фофуржон ака Раҳимов.

— Ённи ҳисоблайвериб, баракасини учирив юборманг, — деди Шариф Рустамович кулиб.

— Хизматда жуда интизомли бўлганлар, ҳозир ҳам кексаликларига қарамай, айтилган вақтда етиб кела-дилар, — деди F. Раҳимов.

— Хизматда интизом мустаҳкам бўлиши керак. Урушда ҳам интизом сабаб ғалаба қилганимиз, — деди отахон.

Дарвоҷе, Шариф Рустамович Иккинчи жаҳон урушининг бошидан оҳиригача иштирок этгандардан бири. Немис қўшиллари ён атрофдаги давлатларни босиб ола бошлаганда. Шариф ака Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқириди. Биринчи курсни тугаллагандан кейин уни ҳарбий хизматга чакиришади. Шутариқа инсонлар саломатлигини сақлаш йўлида оқ ҳалат кийишни орзу қилган ўйигит ённига аскарик шинелини илиб, қўлига қурол олади.

— Фронтдаги воқеалардан гапириб беринг, — деб сўрадик.

Отахон озгина хаёлга берилиб, чукур хўрсинди ва:

— Урушнинг оти ўчсин. Кўплаб қадрдонларимдан жудо қилди. Кинода кўрсатадиганлари рост, ундан ҳам баттар бўлган. Бугунги осойиша кунларнинг қадрига етиш керак, — деди.

Шариф Хасанбоев гитлерчи босқинчиларни Белоруссиянинг Могилев шаҳри яқинида қарши олади. У тўпчи, пулеметчи, зенитчилар батальонида офицер эди. Навбатдаги дала машқини ўтишаётгандан ўруш бошланади. Жанговар қўшикларнинг бирида айтилганидек, Европанинг ярмини пиёда босиб ўтади.

— Галаба туғи қадалган кунда Чехославакияда эдик, — дея ҳоюни давом эттирид отахон. — Бу ҳаётимдаги энг қувончи кунларимдан бири бўлиб қолди. Чунки, фронт даҳшатларини, ўруш асоратларини гапириш тугул, эслаш ҳам оғир. Жанг бўлиб ўтган, шаҳар ёки қишлоқнинг аҳволини кўрсантиз эди. Айниқса, навқирон юнитларнинг тупроққа қоришиб ётган жасадлари, босқинчилар аломзада бўлиб отиб ташлаган кексалар, аёллар, болаларни кўрган ҳар қандай

одамнинг юраги эзилади. — Ички ишлар идораларида хизматни қаҷон бошлагансиз?

— Ёзаман десангиз катта достон бўлади, — дея сұхбатта аралаши F. Раҳимов. — Ички ишлар хизматига келишдан олдин партия идораларида хизмат қилганлар. Ходимлар билан ишлашда катта тажриба тўплаганларини ўтиборга олиб Ички ишлар вазирлигининг шахси таркиб билан ишлаш хизматига ишга ўтказишиган. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда кўп ибратли ишлар қилганлар.

— Сенга ишонч билдириб лавозимга кўтаришдими, ишончни оқлаш керак. Кўпчиликка бош бўлиш осон эмас, ҳар бир кишининг кўнглига йўл топиб, уларни ишга жадб этиш учун ўзинг намуна бўлишинг лозим, — деди отахон чой хўплаб.

Бу нуронийга боқиб бутун саксон йиллик даврнинг суронли кунлари, шиддатли воқеалари, қувончли дамларни илғаш мумкин. Барчасини бошидан кечириб, бутун бир тарихни кўтариб юрган инсонга қараб ҳавас қиласан киши.



Отахон камган бўлгани учун ортиқча савол жавоб ўринли эмасди. Пировардиди, бир ерга ёзиб қўярсиз деб шундай дедилар: — Вақтнинг ортида қувиб етиб бўлмайди. Ўтган умримга тез-тез назар солиб турман. Ҳамма воқеалар эсга тушмаса ҳам айримларини ўйлаб, дилдан ўтказиб турман. Инсон ўтган умридан рози бўлса баҳтли яшадим деб айтиши мумкин. Менга ҳаётнинг энг оғир, энг аянчили, энг қувончли кунларини кўриш насиб этди. Болалик, ёшлиқда турмуш қийинчиликларини бошдан ўтказдим. Навқирон юнитлик давримда уруш даҳшатларига рўбарў бўлдим. Кейин давлат идораларининг асабузар ишларини бажаришимга тўғри келди. Кекрайганимда эса юртимизда ёшларни мустақилликдан баҳраманд бўлдим. Ҳар кимга қариганда иззат-икромли турмуш насиб этсин. Бу кунларга етгандар бор, орзу қилиб ўтганлар бор. Энг муҳими буғунги кунларнинг қадрига етиш керак. Ёшларимиз мустақилликнинг нима эканини, истиқололнинг аҳамиятини тушунишлари, ундан фархланишлари, ҳимоя қилишлари шарт.

**Садридин ШАМСИДДИНОВ.**

Халқимизда бола бошдан, деган нақл бор. Дарҳақиқат, фарзандни кўзимизнинг оқу қорасига менгзаймиз. Одоб-ахлоқни бўлиб улгайини эса кўп жиҳатдан бериладиган тарбияга болгик.

Яқинда Ўзбекистон телевидениесининг «50x50» кўрсатувидаги тарбиясида кимнинг роли кўпроқ, оиланингми ё мактабни? деган саволга анча тортишувлар бўлганини кўриб, чуқур мулоҳазага бордим. Ҳар иккито мон ҳам ўзича ҳақ. Масаланинг моҳиятига ёндошадиган бўлсак, тарбия учун ҳамма масъул. У маҳалла аҳлими, оила ё мактаб жамоасими, ҳамманинг ўз ўрни бор. «Бир болага етии маҳалла ота-она» дейилиши ҳам бежиз эмас. Чунки, ёшлар жиноят содир этса, бундан нафақат ота-она,

балки қариндош-уруг, мактаб жамоаси ва маҳалла-кўй ҳам изза тортади.

Болага ундоқ тур, бундоқ бўл деган билан тарбия берив бўлмайди. У аввало оиладан маънавий озуқа олади. Шу боис оила маънавий ва жисмоний шаклларни боришида муҳим омил ҳисобланади. Мактаб ҳал эта олмаган муаммоларни хонаонданда муҳокама қилиши мумкин. Асосий тарбиячи саналган ота-она биринчи навбатда фарзандлари бўш вақтларида нима билан машғул, дўстлари кимлар эканлигига алоҳида ўтибор қартишлари лозим. «Куш уясиди кўрганини қиласди» деганларидек, эр-хотин орасидаги жанжаллар ҳам бола рўҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, келажак-

да унинг қўрс ва ҳудбин бўлиб олиб келади.

Масалан, Фарҳод исмли бола мактаб даврида ёки бир неча марта жиноята қўл урди. Оиласини суриштирганимизда отаси ичкиликка муккасидан кеттан, она эса ойлаб уйга келмасдан, тижорат билан машғул бўлган. Уч фарзанд қаровсиз қолиб, Фарҳод ўғирлик билан шугуллана бошлаган. Унинг ҳулқи мактаб жамоасида кўриб чиқиши, профилактика инспекторлари билан маслаҳатлашган ҳолда чора-тадбирлар белгиланди. Маҳалла аҳли ота-онаси билан сұхбатлашиб, болани гартибга чақириди. Ҳуллас, бундан кўринадики, ҳулқи ёмон фарзанднинг аввало ота-онасини тарбиялаш керак. Агар бола вояга етгунча тартибга чақирилмас экан, уни кейинчалик тарбиялаш жуда оғир кечади. Фарҳодда ҳам шундай бўлди. Шунга айтилар керак-да, «Агар гишин қўйшик кўяркан меймор, осмонга етса ҳам қўйшиқдир дебор» деб.

Ҳа, бу борада оила меъморларининг масъулияти жуда

юкори. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддаси бўйича, яъни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини бошувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялашга таълим бериш борасида мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқбузарлик содир қилишига сабаби бўлган ота-оналарга нисбатан ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шу билан бирга жамоатчилик ташкилотлари, маҳалла фаоллари ролини ошириш, халқ таълими бўлимлари ва вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекциялари ички ишлар идорасида рўйхатда турган, ахлоқи ёмон ўсмирларнинг интизоми бўйича назорат олиб боришиларни лозим.

Туман жиноят ишлар судининг жорий йилги иш режасига асосан, Узун ва Сарисиё туманларидаги маҳаллаларда аҳолини огоҳликка даъват этиш, вояга етмаган ёшларни гиёҳвандлик, терроризм балосидан асрар ва үдар диний оқимлар таъсирига

тушиб қолмасликлари учун доимий назоратни кучайтириш, яъни жиноятиликнинг олини олиш борасида давра сұхбатлари ўтказилиб, матбуотда чиқишилар қилинмоқда.

Бола тарбияси ўта мушкул вазифа. Уни ҳар томонлама, ҳамма баравар олиб бориши керак. Агар бола яхши муҳитда ўсиб, мактабда ёмон ўртоқларга қўшилиб қолса ҳам унинг тарбияси тезда салбий томонга ўзгара бошлайди. Шунинг учун бу борада ота-она ҳам, устозлар ҳам ҳашим бўлмоқликлари лозим. Чунки, саёқ боланинг иснони эртага уларни ҳам эл олдиди мулзам қиласди, жамиятта ҳам ташвиш келтиради.

Бола тарбиясини бир сония ҳам тўхтатиб туришга, кечиктиришига ҳеч қайсизнинг ҳаққимиз йўқ. Зоро, бу жамиятимиз келажаги, юртимиз осойишталиги ва фаронлигиги таъминлайди.

**А. РЎЗИҚУЛОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Сарисиё туман суди раиси.



## ТАБРИКЛАЙМИЗ

Навоий вилояти Нурота тумани ИИБ бошлиги, подполковник Файрат ТОЖИДДИНОВни таваллуд аймаси билан самимий муборакбод этамиз. Хамкасбимили сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий баҳт, хонаонига кут-барака, шарафли хизматларидагулкан ютуқлар тилаймиз. Барча орзуниятларингиз амалга ошсин. Ҳаёт йўлингиз нурли, умрингиз файзиб, мартағандиз улут бўлсин.

**Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий тарбиби.**

Жиззах вилояти Зафаробод туманни ИИБ хорижга чиқиши келиши ва фуқароларни расмийлаштириш бўлими бошлиги вазифасини бажарувчи, лейтенант Раҳматулла БУРИЕВни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ-умр, касбиди муввафақиятлар тилаймиз.

**Ҳамкаслари ва онла аъзолари.**

Аҳмад Дониш ёки Аҳмад Калла деб ном қозонган Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ханафи ас-Сиддикӣ ал-Бухорий Бухоро амирлигидаги XIX асрнинг ўрталарида яшаб ижод этгани, илгор фикрлари билан ном қозонган шоир, муттабакир, маърифатпаваридир. У 1827 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Шу ерга мактаб ва мадрасаларда билим олиб, ўз даврининг илгор олими ва мутафаккири даржасига кўтариши.

Аҳмад Дониш мадрасада олган билимлар билан киояланмай, риёзист, фалакиёт, адабиёт, мусиқа, меъморчилик, тарих ва фалсафа билан шугуланди, айниси, шарқ, шоирлари ва мутафаккирларининг аспарларини кўп ўқили ётди. Ибн Сино, Умар Ҳайём, Навоий, Фузулий, Бедил аспарлари билан яқиндан танишиб, уларнинг фикрларидан ўз

ника, астрономия илмини ўрганишга катта эътибор берди. Ўзининг тъкидашича, Дониш астрономия илмини Мирзо Абдул-Фаттохон мұнажжидидан ўрганиди. Дониш ююри малакали ҳаттот, меъмор ҳам эди. Шунинг учун XIX асрнинг 50-йиларида Бухоро амири Амир Насруллоҳ (1827-1860) саройда хизмат қилиди. 1870 йили сарой хизматидан кетди. «Наводир ул-воқое» китоби

рисолаларида кенга фойдаланиши интилди. Фалсафи, ижтимоий-сиёсий, бадиий масалалар билан бирга табиий фанларни, ай-

Аҳмад Донишнинг асосий асари ҳисобланбиз, унда олим ўзининг турли масалаларга муносабатини ифодалагандир. Ююрида кўрсатилган ҳар иккى асарда Аҳмад Дониш ижтимоий тараққиётга фов бўлиб қолган феодал ижтимоий-сиёсий тузум, тартиб ва муносабатларни танқид остига олади. Ўрта аср фалсафасида кенга тарқалган таваккул назариянинг танқид этиб бундай деб ёзади: «Агар киши таваккула ишониб, ҳаракат қимласа, меҳнат қимласа ва қийинчиликла, камбагалик билан ҳаёт кечириш ёки мўл-қўлликда яшаш қисматда бор экан, деб айтсан, ундан киши хато қиласи. Демак, у ақли эмас». Бухо-

ро хонлигини Оврўпа мамлакатлари, хусусан Русия билан таққослаб, Дониш ўз ватанини иктисолидан маданий жиҳатдан орқада қолганлигини кўрсатиб беради ва бу қолоқликдан чиқиши учун ижтимоий-сиёсий тузумда ислоҳотлар қилиш зарурлигини уқтиради.

Аҳмад Дониш ўз ватанини қолоқликдан чиқариш йўлларини тинмай излади. «Киши ўз ватанини ҳимоя қиласигина, ўз халқи билан бирга бўлсанда, — дейди Дониш, — у ҳар доним барҳаётдир». Шарқ мутафаккирлари таълимотини ўрганиши билан бир қаторда Гарбда тарқалган ижтимоий-сиёсий таълимотлар билан ҳам кизиқиди. Гарчи бу таълимотларни Дониш қабул қилмаган бўлса-да, унинг буларга нисбатан бўлган муносабати мутафаккирни кенга кўламдаги тадқиқоти ва ижтимоий-сиёсий орзулади кенгроқ эканлитини кўриш имконини беради.

## АҲМАД ДОНИШ

# БУЮК СИЙМОЛАР



Муроджон КАМОЛИДДИНОВ тузди.

### ҮТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Адабиёт. Жавзо. Ижро. Қаллоб. Ўла. Короман. Ишқ. Зор. Шоти. Таклиф. Гум. Така. Ре. Шакар. Юмор. Булба. Ралли. Ҳакер. Суюк. Орган. Наби. Норин. Чакмок. Одоб. Вена. Кўрфаз. Орол. Донец. Аноа. Сўхта. Тұрма. Том. Эгат. Бу. Қанор. Ҳом. Омон. Дераза. Илон. Анор. Бурд. Рига. Саркарда. Аломат. БЎЙИГА: Диалог. Балтимор. Ёмби. Тўқ. Аваз. Зикр. Эрка. Жамол. Нефертити. Ту. Тобе. Ота. Қулгу. Киа. Ира. Мюнхе. Оскар. Шарқ. Та. Кулба. Олек. Ичак. Рона. Угом. Иноқ. Нео. Био. Сакэ. Жома. Ўн. Со. Нотик. Ҷиган. Сабр. Дарахт. Балзам. Гумон. Ос. Тундра. Рок. Зар. Ба. Алсу. Обида. Оро. Ҳоним. Га. Магат.

## Тушлар таъбири

(Боши үтган сонларда).

### РАҚСГА ТУШИШ

Туш сохиби рақсга тушса – хурсандчилик кўради. Ишлар ўнгидан келаётганини, ёқимли ишлар бўлишини билдиради. Кимки, бошқа кимсани рақс тушаётгандан ҳолатида кўрса – ўша кимса уни алдамоқда.

### Рўмол

Йўл, сафар белгиси. Егуликлар туғилган рўмол – меҳмон келишидан хабар. Егуликлар туғилган рўмолни кўтариб юриш – ёқимли одамлар билан учрашув, совгалар олиш ифодаси. Аёллар учун: бошга рўмол ўраш – хурмат эгаси бўлиш дараги.

### Софба

Даромад, омад белгиси. Пул совға олса – тижорат соҳасида уч ой ичидаги катта даромад келади. Мато-материал олса –

йўл, саёҳат. Дур олса – давлат эгаси бўлишдан хабар; аёлларга – фарзанд ва хурсандчилик. Бирорга совға бериш – кимгадир ёрдам беришдир.

### Сув

Тиниқ сув – сиҳат-саломатлик ва ризқ-насиба келаётгани. Лойқа сув – дарддан, ишларнинг чигалланишидан дарак. Кайнаётган сув – ёниб турган, тез бажарилиши лозим бўлган даромадли ишлар хабари. Касал одам кайнаётган сувни кўрса – тез тузалади; буни оғир бетоб киши кўрса – чукур ғам-ғуссага ботиши мумкин.

### АРСЛОН. 23 июль – 23 август

Дастлабки кунлар қийин вазифаларга киришмаганинг маъқул. Кейнинг кунлар вақтингиз фаолликда ўтади. Бизнес-режалар тузишда муваффакиятга эришасиз. Ҳаётингизнинг барча жабхаларида янгилинишлар рўй беради. Янги танишлар ортириш учун бор имкониятларни ишга солинг.

### БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь

Сешанба амалий алоқалар ўрнатиш ва харидлар учун кулаҳ кундир. Соғлиғингизни тиклаш ва шифоҳонада даволанишга маблаг сарфлайсиз. Чорсанба куни қайғиятингиз кўтарилади. Хизмат сафарига боришингиз эҳтимолдан холи эмас. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказганинг маъқул.

### ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь

Бажараётган ишингизда муаммолар юзага келади. Амалий муносабатларда айниқса воситачиллик фаолиятингиз ююри ўринга чикади. Истиқбол режаларни белгилаб олиш учун кулаҳ даврdir. Севган кинингизга ёрдамингиз асқотиши мумкин. Якшанба куни янги танишлар ортириасиз.

### ЧАЕН. 24 октябрь – 22 ноябрь

Касб маҳоратингизни оширишнинг айни вақтидир. Жамоат ишларида фаол иштирок этасиз. Турар жойингизни яхшилаб олиш имконияти бор. Дўстлар даврасидаги мулокотдан кўнглиниш таърилади. Якшанба куни бироз ҳордиқ чиқаринг.

### ЕИ. 23 ноябрь – 21 декабрь

Бизнес соҳасида омад кулиб бўқади. Фаоллигингиз ошади. Фойдали битимлар имзолашга муваффак бўлсанасиз. Эътиборли инсонлар билан мулокотлар кутилмоқда. Дам олиш кунлари табиат бағрида ҳордиқ чиқариши маслаҳат берамиз. Ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.

### ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь

Мулявий масалалар бўйича жиддий синовлар кутилмоқда. Ҳондондаги муаммолар ва амалий шерилар билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Музокараларда бир битимга келишингиз оғир кечади. Шанба куни барча баҳсли масалалар муваффакиятли ҳал бўлади.

### КОВФА. 21 январь – 20 февраль

Бизнес билан шугулаётган бўлсангиз янги амалий шерилар топлишингизга тўғри келади. Режаларни амалияга оширишда ҳамкаслар кўмагидан Фойдаланинг. Чорсанба ҳаридлар учун кулаҳ кундир. Дам олиш кунлари асосий вақтингизга ўзингизга яқин бўлган кинилар билан ўтказасиз.

### БАЛИК. 21 февраль – 20 марта

Ушибу етии кунлар ҳар жиҳатдан омадли ўтади. Ишхонада иқтидорингизни намоён этишига муваффак бўласиз. Пайшанба ва жума кунлари икир-чикирларга ўтибор берманг. Ҳушхабарлар эшитасиз.

# ХАБАРЛАР

Республикамида 10 августдан 16 августанча 278та йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилган. Бунинг натижасида 43 киши ҳалок бўлган, 292 нафар фуқаро тан жароҳати олган.

● 10 август куни «Томди» ЙПХ масканида, Навоий вилояти ИИБ ЙХХБ ЙПХ ходимлари X. Бобоноров ва М. Ҳайдоровлар «Навоий-Нурота» йўналишида ҳаракатлашиб бораётган Р. Янгибов бошқарувидаги «Нексия» русумли автомобилни тўхтатиб текширишган. Машина юхонасида умумий нархи 3 млн. 615 минг сўмлик 144 литр «Цинерметрий» кимёвий моддаси ноқонуний равишда олиб кетилаётгани маълум бўлди.

● Шу куни соат 03.10 ларда Тошкент шаҳар Сирғали туманинда Кипчоқ кўчиаси 8-йўнинг қаршисида Дилшод Кувашев «Опель» русумли автомобилда бораётган, олдинда кетаётган Шукрулла Содиков бошқарувидаги «ГАЗ-2410» русумли автомобилнинг орқа томонига урилиб, тўкнашув содир этган. «ГАЗ-2410» русумли автомобиль йўлнинг четига чиқиб кетиб, пиёдалар Н. Жуманова, Н. Ботирова ҳамда Г. Тўлагановларни уриб юборган. Н. Жуманова тан жароҳати олиб, касалхонага ётказилган. Н. Ботирова ҳамда Г. Тўлагановларга тиббий ёрдам кўрсатилган.

● 12 август куни Навоий вилояти ИИБ ЙХХБ ЙПХ ходимлари, катта лейтенант А. Сафаров ва кичик сержант Ж. Нарзиевлар «Тико» русумли автомобилни гумонланишиб тўхтатишган. Текширув жараёнида ҳайдовчи F. Иззатилло 16 калибрли ов милтигини хеч бир хужжатсиз олиб кетаётгани аниқланган.

● 13 август куни «Челак-Метан» йўлида Тўлкин Тангиров «Нексия» машинасида Шермат Саримсоков бошқарувидаги «ЗИЛ-131» русумли автомобиль билан тўкнашиб кетган. Натижада «Нексия»даги бир неча йўловчи вафот этган. 2 киши эса оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётказилган.

● 14 август куни Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХБ «Шарқ» ЙПХ масканида Экотранс отряди ходимлари, катта сержантлар М. Ашуров ва А. Бойматовлар томонидан тўхтатилган «Нексия» машинаси текширилган. Ҳайдовчи, тошкентлик Ў. Ойбекнинг чўнтагидан 1,55 грамм геройн ва 1,58 грамм гашиш гиёҳвандлик моддаси чиқкан.

● 15 август куни Андіジョン тумани Орол кишлоқ фуқаролар йигини худудида ҳаракатланаётган М. Эшонов бошқарувидаги «Тико» русумли машина йўлни кесиб ўтётган Козим Мирзаевни уриб юборган. Йўловчи касалхонада вафот этган.

# БУ ЎЗИМИЗНИНГ «ЛАСЕТИ»



## АВТООЛАМ

«ЎзДЭУавто»нинг янги маҳсулоти — «Ласетти» автомобилини Жанубий Корея мутахассислари итальянлик ҳамкаслари билан ҳамкорликда яратишишган. Ушбу корхонада бешинчи бўлиб дунёга келган мазкур машинага кам бензин сарфланади. Шунингдек, аввалиги моделлардан талайгина ўзгаришлар кирилгани, техник жиҳатлари ва бошқа афзалликлари билан ажралиб турди. Машина жуда ишончли, кўркам қўринади. Салони кенг, дизайн замон талабларига жавоб беради. Бундай автомобиль ҳозирда фақат Жанубий Корея ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилашти.

# КОИДАБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

**Сўнгги пайтларда фуқароларнинг ҳуқуқий билмларини ошириш борасида жуда кўп гапирилмоқда. Бу жуда ҳам тўғри. Чунки, аксарият ҳолларда оддий ҳақ-ҳуқуқларни билмаслик турли хил тушунмовчиликлар, эътирозларни келтириб чиқаради. Буни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексининг айrim бандлари ҳақида ҳайдовчи ва пиёдаларга тушунча берилтишини лозим топдик.**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи файриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Маъмурий жавобгарликка ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда 16 ёшга тўлган фуқаролар тортилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақида гап кетганда, албатта, маъмурий жазо турлари тўгрисида ҳам маълумот берилтиши зарур. Маълумотларни бевосита ҳайдовчи ва пиёдалар учун мўлжаллаганимиз туфайли, айнан «Йўл ҳаракати қоидалари»ни бузганлик учун қўлланиладиган маъмурий жазо турлари ҳақида фикр юритамиз. Демак, «Йўл ҳаракати қоидалари» бузилган тақдирда маъмурий жазонинг асосан жарима ва транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш чоралари қўлланилади.

Маъмурий амалиёт соҳасида энг кўп қўлланиладиган жазо чораси бу жарима солишидир. Шундай экан, жариманинг ўзинима, деган савол туғилиши табиий. Жарима деганда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбор шахсадан давлат ҳисобига пул ундириш тушунилади. Унинг микдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этил-

ган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб кўйилган энг кам ойлик иш ҳақида келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп кўп миқдори энг кам иш

таларини алкоголь ичимлик, гиёҳвандлик восита-си таъсирида ёки ўзгача тарзда масти бўлган ҳолда бошқариш, шунингдек, ўзлари иштирокчи бўлган йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиши ҳоллари бундан мустаснодир.

Албатта, биз маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва уларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларининг фақат ҳайдовчиларга тааллуқли бўлган бандларини қисқача айтиб ўтдик. Энди қоидабузар пиёдаларга нисбатан қандай жазо чоралари мавжудлиги ҳақида тўхталсалк. Негаки, ҳар куни йўл-патруль ҳизмати инспекторлари томонидан минглаб қоидабузар пиё-

бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга соловчи ишораларга бўйсун-маслиги, устунлик берувчи, таъқиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмидаги фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа теграсида мол боқиши энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу мoddанинг биринчи ёки иккинчи қисмida кўрсатилган шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши автомафалокат ҳолатини вужудга келтирса энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккidan бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Маъмурий жарима миқдори ёки жазо йўл-транспорт ҳодисалари, қоидабузарликлар таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда ҳам белгиланиши мумкин.

Кўриниб турибди, қонунларимизда ҳайдовчиларга ҳам, пиёдаларга ҳам содир этган қоидабузарликларига яраша жазо чоралари белгилаб кўйилган. Лекин энг яхшиси қонун-қоидаларга амал қилиб, ўзини ҳам, ўзгалиарни ҳам ташвишига кўймасликдир. Бизнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва уларни нисбатан қўлланиладиган жазо чораларини айтишимиздан кўзланган асосий мақсад ҳам энг аввало ҳайдовчи ва пиёдаларни тартибга чақириш, уларни йўл ҳаракати қоидаларига ва ҳаракатлаши хавфсизлигининг оддий, лекин ҳаёт учун мухим бўлган шартларига риоя қилишига чақиришдан иборат. Чунки, ҳар бир инсон ҳар куни эрта тонгда яхши нияти ва истаклар билан кўчага чиқар экан, кечкурун соғ-омон оиласи бағрига қайтиши шарт. Агар фуқароларимиз қоидаларни хурмат қилиб, унга риоя этсалар қонун олдида мулзам бўлиш ва жарима тўлашдан озод бўладилар. Демакки, уларнинг ўзларига ҳам, ҳамёнларига ҳам зарар етмайди.

Абдунаби НОСИРОВ,  
капитан  
Мурод ШЕРЛИЕВ,  
катта лейтенант.

далар аниқланади. Пиёдаларимиз ўз ҳаётларини хавф остига кўйиб, кўчанинг дуч келган жойидан кесиб ўтишади. Бу эса турли кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқаради. Чунончи, ўша қоидабузар пиёданинг айби билан йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлади. Кимdir бунинг оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмади. Яна кимdir бир умрга майб-мажрух бўлиб қолади. Йўл-транспорт ҳодисаси туфайли қанчадан-қанча инсонлар бебаҳо вақтларини йўқотишади, мөддий зарар кўришидади. Қанча асабузарликлар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам пиёдалар билан боғлиқ қоидабузарликларга ҳаётдан жазо чоралари кўрилишини айтиб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Демак, пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга соловчи йўлчироқ ишораларига, йўл белгиларига бўйсунмаслиги, уларнинг йўллардаги ҳаракат қисми белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, шунингдек мопед ва велосипед ҳайдовчилари, аравакашлар ва йўлдан фойдаланувчи

ХАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР



РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

2006 йил - ХОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

# ХИЗМАТЛАРӢ МАНЗУР БҰЛЯПТИ

Мамлакатимизда кейинги пайтларда аҳоли саломатлигига эътибор кучайиб бормоқда. Унинг давлат сиёсати даражасига кўтариштани бежизга эмас. Негаки, жамиятни соғломлаштириш, солом авлодни вояж етказиш келажаги буюк давлатнинг асосий тамоилиларидан бириди. Шунингдек, Президенттимиз томонидан ўтган йилни «Сиҳат-саломатлик» ва жорий йилни «Хомийлар ва шифокорлар» йили деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги сабитқадамликтиди.

Маълумки, ички ишлар ходимларининг хизмати ғоят масъулиятли ҳамда шарафли касб ҳисобланади. Эл-юрг оқойиштагини сақлаш, жиноятиликка қарши кураш ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишида уларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлишини тақо佐 этади.

Буни яхши англаган ИИВ Марказий поликлиникаси шифокорлари, жумладан терапия бўлими ходимлари ички ишлар ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига тиббий ёрдам кўрсатишда бор маҳоратларини ишга солишмоқда. Айниқса, сафларни жисмоний бақувват, со-



Олий тоифали шифокор С. Юсупова (ўнгда) ва биринчи тоифали шифокор Г. Одиловалар иш устида

глом ходимлар ҳисобига тўлдиришда шифокорларнинг хизмати катта бўлаётir.

— Биз ички ишлар ходимлари тиббий хизмат кўрсатишда уларнинг саломатлигини мухофаза этишда фидокорлик кўрсатишга масъулмиз. Улар дастлаб бизнинг қабулимизда бўлиб, сўнгра керакли тавсиялар билан бошқа бўлимлардан тиббий кўрикдан ўтишади, — дейди Марказий поликлиника терапия бўлимнинг бошлиғи, капитан Ирина Каримова.

Муштарилиномизнинг илтимосларига кўра бу галги саҳифамизда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дерматология ва венерология илмий текшириш институтининг илмий ходими Назирахон Курбонова тери замбурург касалларни ҳақида гапириб берди.



ИИВ Марказий поликлиникасининг терапия бўлимида бўлиши, капитан И. Каримова бемор билан.

Бу касаллар, асосан, тери ва шиллиқ қаватларда паразитлик қиладиган замбурурглар қўзгатадиган хасталиклардир. Улар тўрт гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳда касаллик қўзгатувчи тери нинг энг юза қаватида паразитлик қилади. Унда яллиғаниш, оғриқ, қичишиш аломатлари бўлмайди. Касаллик камдан-кам ҳолларда юқумли бўлиб, тез ва кўп терлайдиган одамларда учрайди.

Иккинчи гуруҳига ёз фаслида энг кўп тарқалувчи оёқ ҳамда қўл панжаси эпидермо-

фитияси ва рубро-фитияси киради, сезиларли даражада юқумли бўлади. Уни қўзгатувчилар тери нинг бутун мугуз пардасини ва унинг остидаги қаватларни зарарлайди. Учинчи гуруҳга трихофития, микроспория, кал каби касаллар киради. Бунда тери ва тирноқдан ташқари соч ҳам зарарланади. Бу касаллар ўта юқумли бўлиб, доимий равишда даволаш, олдини олиш лозим бўлади. Микозларнинг тўртингчи гурухига мансуб тери касалларни спортихоз — хромомитоз, морор замбурурглари қўзгатадиган микозлар бўлиб, улар асосан тропик ва субтропик мамлакатларда кенг тарқалган. Бу касалларда теридан ташқари тери ости ёф қавати, мускулар, сук ва ички аъзолар ҳам зарарланади.

## «БЕОЗОР» КАСАЛЛИК

Псориаз. Оддий тилда қипиқли темиратки деб аталувчи сурункали тери касаллигидир. Касаллик кўпинча бошнинг сочли қисми, тизза, тирсак ва қўл-оёқ юзасида майда пушти ёки қизғиши тутунчалар ҳосил қиласди. Уларнинг усти қипиқланувчи (номи ҳам шундан олинган) оқиши, кумуш ранг пўстлоқ билан қопланади. Тутунчалар аста-секин катталашиб, бир-бирига қўшилиб кетади. Касаллик зўрайганда псориаз тошмалари баданин тулиқ эгаллаб олиши мумкин.

Кандидоз (кандидамикоз; оғиз оқариши) — одам ва ҳайвонларда учрайдиган замбурург касаллиги. Бунда тери, шиллиқ қават, баъзан эса ички аъзолар ҳам зарар-

ланади. Бу замбурурглар табиатда кенг тарқалган бўлиб, асосан ўсимликлар, мева, сабзовотларда кўплаб учрайди. Улар одам ва ҳайвонларнинг терицида, оғиз бўшлиғида, ичак, нафас йўллари шиллиқ қаватларида мавжуд бўлади.

Тери замбурурги касаллигининг энг кўп тарқалган тери эпидермофитияидир. Унинг уч тури мавжудиди. Улардан оёқ панжаси эпидермофитиясида асосан тирноқлар касалланади. Бегона пояфзал, пайпоқ, ички кийим кийганда, тирноқ оладиган қайчидан фойдаланганда, ҳаммомда, чўмиладиган жойларда юқиши мумкин. Руброфитияда оёқ панжаларидан ташқари қўл панжаси, тери бурмалари, юз

ва бадан ҳам касалланади. Касалликнинг пайдо бўлиши, юқиши ва тарқалиши оёқ панжаси эпидермофитиясида ўхшашиб бўлади.

Чов эпидермофитиясида асосан, чов, қўлтиқ, аёлларда кўпроқ кўкрак бези ости бурмалари яллиғланиб, тўқ қизил доғлар пайдо бўлади. Улар қаттиқ қичишиади. Касаллик беморнинг кийими, сочиғи, мочалкаси каби буюмлардан юқади. Касаллик кечиктирилганда даволаш мушкул бўлади, билиб-бilmай ўзбошимчалик билан даволаш оқибатида касаллик авж олиб, экземага ўхшашиб аллергик тошмалар тошиши мумкин.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
ёзиг алди.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Помидор таркибидаги органик кислоталар ҳамда нафис клетчатка ошқозон ширасининг ажралишини ўйгунаштиради, ичак ҳаракатини яхшилайди, шу боисдан у ошқозон шираси камлигига (гипацид) содир бўладиган гастритда ҳамда ичак қўзгалувчалигининг йўқотилишида (атония) ижобий таъсир кўрсатади. Сархил ёки тузланган помидорларнинг эзилмаси говакли, бўшашиб юз терисига ниқоб қилиб фойдаланилса, терини силлиқлаб жозиба беради.

\*\*\*

Анъанавий тиббиётда турп шарбати билан асалнинг омухта аралашмаси изтиробли ўтталга даво ҳисобланади. Сархил турининг янги шарбати қобирғаларро хала хуруж қилганида, мушак оғриқларида, белангли таҳдидида мазкур жойларга илиқ ҳолида суртиладиган бўлса, даррдан фориг бўлишига ёрдам беради.

\*\*\*

Үйкусизликда қўйидагича муолажадан фойдаланиш ижобий самара беради: қатиқ зардоби ёки сут ўйку олдидан ичилса, сули донини сут билан қайнатиб истеъмол қилинса, кулмоқ будаларидан дамлама тайёрлаб ичиладиган бўлса, ўйку тинимли ва ҳаловатли бўлади.

\*\*\*

Қорақат меваларининг шарбати мавжуд бўладиган тошларни эритиб юборни мақсадида тавсия этилади. Анъанавий тиббиётда қорақат мевалари шамоллаши билан боғлиқ бўлган касалликларда терлатувчи ҳамда ҳароратни камайтирувчи омил сифатида фойдаланилади.

Тавбаева, Омина Чуканова, Камола Мусаева, Умид Алимовлар шулар жумласиданди. Улар бутун билим ва маҳоратларини ишга солиб, беморлар дардига малҳам бўлишяпти. Албатта бундай самимий хизматдан барча ички ишлар ходимлари мамнун.

Дарҳақиқат, соғлиқ — муҳим бойликдир. Унинг қадрига етиш ҳамда ўз вақтида шифокор кўригидан ўтиш ҳар бир ходимнинг бурчидир. Зоро, жисмонан соғлом, руҳан тетик инсонига ҳар қандай буюк ишларни қилишга қодирдир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.







